



VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2013 йил 20 август, № 28




13-бет

Ўзбекистоннинг афсонавий жамоаси «Пахтакор-79» фожаси қурбонлари хотирасига бағишлаб ёдгорлик ўрнатилди



Фирибгардан сақланиш йўллари

14-бет



9-бет

Ўзбек қизининг америкача орзуси



Ўзбекистон вакиласи илк марта "Дунё гўзали" (Miss World)да қатнашади

10-бет



Ўзбек тўйларида қимнинг "ошиғи олчи"?

11-бет



Умид Раҳматов:

«Тадбиркорликда онам менга асосий дастак»

6-бет

Абдунаби АБДИЕВ:

«Бугун ўтирса роман, турса қисса, юрса ҳикоя ёзиб қўядиган адиблар пайдо бўляпти»



12-бет

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: www.vatandosh.com/obuna



Бахтиёр Гуломов Барак Обамага ишонч ёрлигини топширди

Шу йилнинг 18 июль куни янги тайинланган Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги фавкулдда ва мухтор элчиси Бахтиёр Гуломов Барак Обамага ишонч ёрлиқларини топширди. Бахтиёр Гуломов 2010 йилдан бери Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги элчиси ҳамда мамлакатнинг Европа Иттифоқи ҳамда НАТОдаги миссияси раҳбари сифатида ҳам фаолият юритган.

Бахтиёр Гуломов Ташқи ишлар вазирлигида 1992 йилдан бери фаолият юритади. Чунончи, 1992-1995 йилларда Ташқи ишлар вазирлиги бўлими бошлиғи ҳамда иккинчи котиби, 1995-1998 йилларда Ўзбекистоннинг Буюк Бри-

таниядаги элчихонаси иккинчи котиби, 1998-2001 йилларда ТИВнинг сиёсий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси биринчи котиби, 2001-2003 йилларда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчиси ўринбосари, 2003-2005 йиллар-

да Ташқи ишлар вазирлигининг БМТ ва халқаро ташкилотлар бошқармаси бошлиғи сифатида иш олиб боради.

У 2005-2009 йилларда Ўзбекистоннинг ГФРдаги фавкулдда ва мухтор элчиси (2007 йилдан Швейцари-

ядаги, 2008 йилдан Швеция ва Чехиядаги элчи (қароргоҳи Берлинда)) сифатида фаолият юритади.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Конституциясига кўра, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатдаги элчилари Президент тақдимига мувофиқ Сенат томонидан тасдиқланади. Янги элчилар Сенатнинг шу йил август ойида бўлиб ўтадиган ялпи мажлисида тасдиқланиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 2010 йил февраль ойидан бери АҚШда Илҳом Неъматов Ўзбекистон дипломатия миссиясини бажариб келаётган эди.

Илҳом Неъматов – Ўзбекистон Республикасининг Алоҳида топшириқлар бўйича элчиси этиб тайинланди

Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги собиқ Фавкулдда ва мухтор элчиси Илҳом Неъматов Ўзбекистон Республикасининг

Алоҳида топшириқлар бўйича Элчиси этиб тайинланган. Бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти хабар тарқатди.



Илҳом Неъматов 1989 йили, яъни бундан 23 йил муқаддам дипломатия соҳасида ўз фаолиятини бошлаган. У 1992 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида турли вазифаларда ишлаб келади. 1992-1993 йилларда Германияда илк марта очилган Ўзбекистон элчихонасида ишлайди. Ундан кейин Тошкентга қайтиб бориб, Ташқи ишлар вазирлигида хизмат қилди. У "Ўзбекистон Республикаси Дипломатик ваколатхоналари ва Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг дипломатик мартабалари тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

1997-1999 йилларда Ҳиндистонда элчи бўлиб ишлади. Ундан кейин Тошкентга келиб, ташқи ишлар вазири ўринбосари вазифасида ишлади, ана ундан кейин давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан Москвада элчи бўлиб фаолият юритди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси лавозимида фаол иш олиб борди. Бу ерда, албатта, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Эслатиб ўтамиз, "Ватандош" газетаси фахрий элчимиз билан бир неча марта суҳбатлар уюштирди, Илҳом ака Америкадаги ўзбекистонликлар учун ўз сазой-ҳаракатларини аямаган дипломатларимиздан биридир.

Профессионал дипломат ўрнини минтақавий эксперт бўлмаган мутахассис эгалламоқда.

АҚШ Президенти Барак Обама АҚШ давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимига Ниша Десау Бисволни тайинлади.

У шу пайтга қадар АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) маъмурининг ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаётган эди.

Обаманинг мазкур қарори Сенат томонидан тасдиқланиши керак.



Роберт Блейк ўрнига Ниша Десау Бисвол тайинланди

Агар Сенат Бисволнинг номзодини тасдиқлайдиган бўлса, у Роберт Блейкнинг ўрнини эгаллайди.

АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Ҳиндистон, Бангладеш, Бутан, Қозоғистон, Қирғизистон, Мальдив ороллари, Непал, Шри-Ланка, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистон билан ҳамкорлик алоқаларига масъул ҳисобланади.

Роберт Блейк 2009 йилдан бери бу лавозимни эгаллаб келаётган эди. Блейк Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан алоқаларнинг ривожланиши, Афғонистонда тинчликни қарор топтириш ва тиклаш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликка эътиборни кучайтириш, шунингдек, янги Ипак йўли концепцияси ташаббусини илгари сурган кучли ва профессионал дип-

ломатлардан. Маълумотларга кўра, Индонезияга элчи сифатида жўнатилиши мумкин.

Бисвол хоним гарчи минтақа бўйича кучли мутахассис бўлмаса-да, USAID лойиҳалари доирасида юқорида номлари зикр этилган мамлакатлар билан мулоқот олиб борган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Роберт Блейк Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюриб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришда муҳим роль эгаллади. У, айниқса, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари фақат сиёсий аҳамият касб этмасдан, балки савдо-иқтисодий, маданий, маърифий ҳамда гуманитар йўналишларда ҳам давом этиши кераклигини ўз кун тартибига сингдирган сиёсатчилардан эди.

Vol. 28. Tuesday,
August 20, 2013

Publisher:

Farhod Sulton

Deputy Editors:

Murod G'afurov

Nilufar Salimova

Managing Editors:

Jora Bo'takoz

Narkhudja Sadikov

Hikmat Sulton

Abdumalik Ahmedov

Web Developers:

Shohruh Kenjaev

Editorial and Executive
office:

2705 Coney Island Ave.

Brooklyn, NY. 11235

Phone: 646.397.0325

Web: www.vatandosh.com

Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.

We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

"ВАТАНДОШ"ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

www.vatandosh.com/obuna

The Economist: Роғун ГЭСи Дон Кихотнинг хом хаёлларига ўхшайди

The Economist

Дунёга машҳур "The Economist" журналида Тожикистон гидролойиҳаларига бағишланган мақола эълон қилинди. Вақш дарёсининг юқори қисмига, яъни Роғун майдони сари кўтарилган сари Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон томонидан айтилган афоризмлар акс этган билбордларга кўз тушади, масалан: "Роғун - Тожикистоннинг ёрқин келажаги".

Роғун Душанбедан 100 километр узоқликда жойлашган шаҳар ҳамда президентнинг дунёдаги энг баланд ГЭС тўғонини қуриш орзуси ҳамдир. Журналнинг ёзишича, "аслида қоқоқ, лекин сувга бой Тожикистон Афғонистон ва Жанубий Осиёга электр энергияси пуллашни ният қилган".

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, 335 метрлик мазкур ГЭС мамлакатни қашшоқлик ва изоляциядан сақлаб қолиши ҳамда Тожикистоннинг энергетика қувватини икки баравар ошириши керак. Аммо лойиҳани Дон Кихот хом хаёлларига қиёслаш мумкин, деб ёзади журнал. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 6 миллиард доллар талаб қилинади. Ваҳоланки, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 2012 йилда 7,6 миллиард долларни ташкил қилган эди. Боз устига Марказий Осиёдаги катта нуфусли мамлакат бўлган Ўзбекистон бу лойиҳага қаршилик қилмоқда. Тожикистонда инвестиция муҳити коррупция билан қамраб олинган.

Журнал Роғун ГЭСини қуриш режаси Собих Иттифоз кулашидан аввал ишлаб чиқилганини қайд этиб, 2000-йиллардан кейин Тожикистон бу лойиҳага катта қизиқиш билдира бошлаганини айтади. Ҳар қишда электр тақчиллигидан мамлакат ялпи ички маҳсулоти 3 фоиз миқдоридан зарар кўради. Расмий тарғибот машинаси ва аксарият тожикистонликларнинг фикрича, Роғун мана шу муаммони бартараф этади.

Журналнинг ёзишича, халқаро донорлар Эмомали Раҳмонга ишо-

нишмайди. Тожикистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг бешдан икки қисми Тожикистон алюминий заводи (ТАЛКО) эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилади. ТАЛКОнинг юзлаб миллионлар доллар фойдаси эса Британиянинг Виржиния оролларидаги компания ҳисобига келиб тушади. Журналнинг тахминича, Раҳмон ТАЛКОни ўзи назорат қилади. "Нега у ушбу компаниянинг ўша маблағларини тўғон қуришга сарфламайди?" деб савол қўяди.

Марказий Осиёнинг энергия ва сув ресурслари ўз вақтида Москва томонидан тартибга солинган. Ёз вақтида дарёларнинг юқори оқимида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистон сингари давлатлар сув омборларидаги сув электр олиш ҳамда қуйи оқимдаги Ўзбекистон сингари давлатлар қишлоқ хўжалиги ирригацияси учун йўналтирган. Тожикистон 1970 йилларда барпо этилган 300 метрлик Нурек ГЭСи билан аллақачон ғурурланади. Қишда Ўзбекистон газ етказиб беради. Бу тартиб мустақилликка эришгандан сўнг бузилди.

Журналнинг ёзишича, Ўзбекистон Роғун қурилиши билан ўз пахта далаларидан сув тортилиши ҳамда ГЭС Тожикистонга сиёсий устунлик беради, деб ўйлайди.

Журнал Жаҳон банки томонидан Роғун ГЭСи бўйича халқаро экспертиза олиб борилаётганини айтиб, у лойиҳага ҳаққоний баҳо беришига умид билдиради.

Аммо тўғоннинг баландлигини савол остига олиш Эмомали Раҳ-

монга кўп ҳам ёқмайди. 2004 йилда Россиянинг "РусАЛ" компанияси Роғун лойиҳасини барпо этишга қизиқиш билдирган эди, аммо улар тўғон баландлиги 50 метрга пасайтирилиши кераклигини айтишгач, Раҳмон уларга мамлакат эшигини кўрсатиб қўйди, деб ёзади журнал.

Журнал Эмомал Раҳмон гиготамания хасталигига чалинганини айтиб ўтади. У яқинда энг баланд байроқустунини барпо этди, шу кунларда энг катта чойхонани очишни режалаштирмоқда. "Аммо ўқитувчилар ойлаб маошсиз ишлашмоқда. 2010 йил бошида у тожикларни Роғун ГЭСини қуриш учун маблағ беришга мажбурлай бошлади. Ўқитувчилар ойига 30-40 доллар топган ҳолда ўз маошининг ярмини Роғун акциясини харид қилиши сарфлаши керак", деб ёзади.

Агар Роғун қурилган тақдирда ҳам Тожикистондан электр энергиясини экспорт қилиш осон кечмайди. У қўшни Қирғизистон билан бирга Жанубий Осиёга электр симларини ётқизиш учун 1 миллиард доллар маблағ берадиган халқаро донорни изламоқда.

Тожикистон бошқа долзарб муаммоларга эътибор қаратиши керак, дейди журнал. Мамлакатнинг 70 фоиз электр энергиясини берадиган Нурек ГЭСи модернизацияга муҳтож. Тўғонни тозалаш ҳамда эскириб қолган заводни қайта тиклаш учун 1 миллиард доллар керак бўлади.

Тожикистон Роғунни ёлғиз кура олмайди. Улар Россия ёки Хитойни мазкур лойиҳага жалб қилиши мумкин. Аммо уларнинг иккаласи ҳам Ўзбекистоннинг жаҳлини чиқаришни хохламайди, деб ёзади журнал. Фақат Раҳмон баланд тўғондан воз кечсагина, улар бу лойиҳани қўллаб-қувватлаши мумкин, шундагина у қишда чироқлари ўчмаслигини кафолатлай олади, деб хулоса қилади журнали.

Францияда асли ўзбекистонлик яҳудийнинг қимматбаҳо зеб-зийнат буюмларини ўғирлаб кетишган

Франция жанубидаги Канн шаҳрида яқшанба куни ўғирланган 53 миллион долларлик қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари асли ўзбекистонлик заргар Лев Левиевга тегишли бўлган. Бу ҳақда ВВСнинг Ўзбек хизматихабар тарқатди.

Ўғирлик яқшанба эрталаб мухташам Карлтон меҳмонхонасида ўтаётган заргарлик кўргазмасида юз берган, деб ёзади ВВСнинг Ўзбек хизмати.

Мазкур ўғирлик йиллик фильм фестивали ва бадавлат шахслар учун дам олиш масканлари билан ном чиқарган Канн тарихидаги энг йирик ўғирликлардан биридир.

Жиноят содир этилган вақтида заргар Левиев меҳмонхона залида ўз олмослари кўргазмасини ўтказаетганди.

Маҳаллий матбуотга кўра, бошига қалпоқ кийган ва шарф ўраган яқша ўғри қўриқчилар қимматбаҳо тақинчоқларни сейфлардан кўргазма пештоқларига кўчираётган вақтлари ярим очик деразадан меҳмонхонага кириб олган.

У бир минутдан кам вақт ичида дипломатини зеб-



зийнатлар билан тўлдириб, бемалол пиёда чиқиб кетишга муваффақ бўлган.

Агар ўғирланган жиҳозлар қиймати тасдиқланса, бу Франция тарихидаги иккинчи энг қимматбаҳо ўғирлик бўлади. Ўғирланган зеб-зийнатнинг эгаси бўлмиш жаноб Левиев Бухоролик яҳудийлардан бўлиб, 15 ёшида оиласи билан Исроилга кўчиб кетган. 57 ёшли бизнесмен заргарлик бизнесини етти йил олдин Лондоннинг Олд Бонд Стрит кўчасидаги дўкони билан бошлади, ва тез орада Дубай, Нью-Йорк ва Сингапурда ўз дўконларини очди. Бойлиги 1 миллиард атрофида экани айтилган жаноб Левиев Оврўпо ва Исроилдаги анъанавий яҳудийларнинг энг сасий ҳомиляридан бири. У заргарликни оиласи Исроилга келиб жойлашганидан сўнг, ўсмирлигида ўрганишни бошлаган. Олмон йўниш маҳоратининг 11 босқичини ўрганган Левиев, Исроилда ҳарбий хизматни тамомлагач, ўз олмос бизнесини ташкил қилган.

Бора-бора у Россия ва Африкадаги олмос конларини сотиб олиб, жаҳон заргарлик бизнесидаги энг илғор шахслардан бирига айланган.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасини 2013 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида расмий ахборот эълон қилди. Унда қайд этилишича, Ўзбекистон "Ангрен-Поп" янги электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш ишлари бошланди. Темир йўл линияси ҳақида бошқа маълумотлар келтирилмаган.

Қамчиқ довони бўйлаб темир йўл қуриш ишлари бошланган

Эслатиб ўтамиз, халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг май ойидаги навбатдан ташқари мажлисида нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри ва Наманган вилоятининг Поп туманини боғлайдиган темир йўл қурилишини маълум қилган эди.

"Шу борада биз кўпдан буён

ўйлаб юрган, бугунги кунга келиб рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлган яна бир муҳим режамиз ҳақида сизларга ахборот бермоқчиман. У ҳам бўлса, Ангрен-Поп йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳасини амалга оширмоқчимиз", деганди Президент жумладан.

"Маълумки, Фарғона водий-

си мамлакатимизнинг темир йўл тармоқларига уланиш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолган. Ҳозирги кунда темир йўл орқали водийга бориш учун қаердан ўтишга тўғри келишини сизлар яқши биласиз", деб қайд этганди Президент.

Шуни айтиш керакки, Фарғона водийси вилоятлари темир йўл қатновлари Тожикистон

Республикаси ҳудуди орқали амалга оширилган. Аммо кейинги пайтларда икки давлат ўртасида айрим масалаларда саволларнинг туғилиши темир йўл алоқасини амалга оширишга ҳалақат бера бошлаган эди.

Ислон Каримовнинг айтишича, "...Бугунги кунда Фарғона водийсида 10 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. "Олтин водий" деб ном олган бу мин-

ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган ягона миллий темир йўл тармоғи барпо этилади..

"Бир пайтлар Ўзбекистоннинг электр, табиий газ тармоқлари, автомобиль йўллари бошқа давлатларнинг ҳудуди орқали ўтарди. Кейинги ўн йил ичида биз бу борада жуда катта ишларни амалга ошириш ҳисобидан ушбу коммуникацияларнинг барчасини ўз мамлакатимиз ҳудудидан ўтказишга эришдик. 2014-2015 йилларда темир йўл масаласида ҳам бу ишни албатта охирига етказамиз. Насиб этса, 2016 йилда мана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз", деб қайд айтди Ислон Каримов.

Президент, шунингдек, "Керак бўлса, ўзим билан 2016 йил бошида сизлар билан поездга ўтириб, Тошкентга бораман", деб қайд этиб ўтди.

Сўнги маълумотларга кўра, ушбу лойиҳани рўёбга чиқариш 2 миллиард долларга айланиши мумкин.

Нью-Йоркда шашмақом фестивали

Нью-Йоркда ўзбек мумтоз мусиқаси - шашмақомга бағишланган халқаро фестиваль бўлиб ўтди. Мазкур мусиқа фестивали "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили, Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси ҳамда АҚШ ва Канада Бухоро яхудийлари конгресси томонидан ташкил этилди.



Нью-Йоркдаги "Квинс-театр"да бўлиб ўтган фестивалда Тошкентдан махсус келган академик Юнус

Ражабий авлодлари ўз чиқишларини намойиш этишди. Қолаверса, Содирхон Убайдуллаев, Авром Толмасов, Убайдулло Солиев, Рошель Рубинов ва бошқалар ижоди қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда расмий ва жамоатчилик, дипломатик корпус вакиллари, АҚШдаги ҳамюртларимиз - жами 500дан ортиқ киши қатнашди.

Фестиваль қатнашчилари шашмақомнинг мураккаб қисмларини маҳорат билан ижро этишди. Концертда барча ижрочиларга шашмақом мумтоз мусиқасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари учун фахрий ёрлик ҳамда дипломлар тақдим этилди.

"Ведомости": "Ҳокимият МДХдан келган мигрантлар орасида жиноятчилик ҳақидаги маълумотлар билан одамларни манипуляция қилмоқда"

Нашрнинг ёзишича, ҳукумат мигрантларга қарши ҳаракатлар фаоллашганини этник диаспоралар орасида жиноятчилик ўсганлиги билан изохламоқда. Амалдорлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлар мутасаддилари МДХ ва бошқа давлатлар вакиллари орасида жиноятчилик ўсиши ҳақида ҳар куни ваҳимали бонг уриши оммавий онгда гастарбайтерлар ҳақида кескин салбий образни шакллантирмоқда. Мутлақо абстракт бегона мигрант нафақат маҳаллий аҳоли ишини тортиб олаётган, балки гиёҳванд моддаларни пуллаётган, тинч аҳолини ўмраётган ва алдаётган душманга айланмоқда. Мигрантлар орасида жиноятчилик ўсаётгани ҳақидаги гап-сўзларини амалдорлар рақамлар билан исботлашга уринишмоқда. Москва шаҳар мэри вазифасини бажарувчи Сергей Собянин "Ведомости"га берган интервьюсида шаҳардаги бозорлар ва юзлаб хорижликлар қалбаки рўйхатдан ўтган "резина" квартиралар атрофида жиноятчиликни мулоимгина қилиб гапириб ўтди, ҳуқуқ-тартибот вакиллари эса мигрантлар орасида жиноятчи-

лик фаоллашгани ҳақида очиқроқ гапиришмоқда.

Чунончи, Москва прокурори Сергей Куденеев шаҳар прокуратураси ҳайъат йиғилишида шаҳардаги жиноятларнинг 20 фоизи мигрантлар томонидан содир этилганини маълум қилди. Унинг маълумотларига кўра, мигрантлар томонидан содир этилган фирибгарлик жиноятлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 баравар кўпайган, оғир ва ўта оғир жиноятлар сони эса 60 фоизга кўпайган. Соғлиққа онгли равишда жароҳат етказиш 37 фоизга, қотиллик 20 фоизга ортган.

Прокурорнинг арифметикаси кишида савол туғдиради: икки ҳафта бурун Куденеев ўз интервьюсида мигрантлар томонидан 2008-2012 йилларда жиноятлар сони икки баравар қисқарганини айтган эди.

Бундай қарама-қарши баёнотларнинг боиси не?

Ҳуқуқ-тартибот органлари мигрантлар орасида ичкилик-бозлик ҳақида гапираётганда, гап рўйхатга олинган, жиноят иши очилмаган ва судга юборилмаган жиноятлар ҳақида бо-



Россиядаги нуфузли нашрлардан бири "Ведомости" ўз саҳифасида сўнгги кунларда мамлакатда мигрантларга қарши олиб борилаётган сиёсат ҳақида таҳририят муносабатини билдирди.

Бундай маълумотлар билан манипуляция қилиш ҳамда ваҳимали баёнотлар қилиш мумкин бўлади. Одатда содир этилган барча қилмишларнинг 6-7 фоизи буйича жиноят иши очилади.

Агар судлар томонидан кўриб чиқилган жиноий ишларни кўрадиган бўлсак, хорижликлар томонидан содир этилган жиноятлар улуши у даражада катта эмас. Олий суд ҳузуридаги суд департаменти маълумотларига кўра, хорижликлар томонидан содир этилган жиноятлар энг кўпайгани (2,8 фоиздан - 3,5 фоизгача) 2008-2009 йилларда юз берган. Буни изохлаш қийин эмас: инқироз кучайган бир

шароитда гастарбайтерлар учун меҳнат бозори қисқарган эди. Кейинчалик мигрантлар улуши барқарор қолиб, 3,8 фоиздан ошгани йўқ.

Пойтахтда мигрантлар орасида жиноятчилик юқори. Москва шаҳри буйича суд департаменти кўра, 2012 йилда МДХ вакиллари жами жиноятларнинг 17 фоизини содир этишган. Аммо уларнинг қарийб тўртдан бир қисми ҳужжатларни қалбақлаштириш билан боғлиқ. Европа институти ҳузуридаги Ҳуқуқни қўллаш муаммолари институти тадқиқотларига кўра, хорижликларнинг жинояти мигрант мақоми билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланади.

Одатдаги жиноятлар қисмида уларнинг РФ фуқаролари жиноятларидан кескин фарқ қилмайди. Агар мигрантлар сони Россияда (11,3 миллион) ва Москвада (2 миллиондан ортиқ) баҳоси тўғри бўлса, мигрантлар маҳаллий аҳолига нисбатан камроқ жиноят содир этишга мойиллиги аён бўлади.

Яна бир жиҳат, мигрантлар ҳақида "зарур" статистика бўлмаса, амалдорлар жанубий ўлкалардан келганларнинг жиноятини ҳам мигрантлар улушига аралаштириб юборишади. Халқ эса бундай айбловларга енгилгина учиб, "бегоналар"ни фуқаролигидан қатъи назар депортация қилишни талаб қилади.

Чикагодаги Ўзбек-Америка жамиятимизнинг www.uzbekchicago.org веб-сайтида Ватандошларимиз АҚШга келиш, бу ерда ҳаётни қандай бошлаш, иш топиш ва шунга ўхшаш саволлар билан тез-тез муурожаат қиладилар. Албатта янги жойга келиб ҳаётни қайта бошлаш учун ахборот муҳим рол ўйнайди. Қолаверса, янги келган Ватандошларимиз биз олдинроқ келганлар йўл қўйган хатоларни такрорламасликлари учун ўз ҳаётий тажрибаларимдан келиб чиқиб, билган маслаҳатларни беришни лозим топдим, ва буни "Кўп сўраладиган саволлар" тариқасида туздим. Агар ушбу тавсияларим озгина бўлса-да, Ватандошларим учун фойдаси тегса, ўзимни бахтиёр ҳис қилган бўлар эдим.

Сиз Америкага келдингиз ёхуд кўп сўраладиган саволларга жавоблар



Олим ШАРИПОВ
Чикагодаги
Ўзбек-Америка
Жамияти Раиси.

Савол: Мен яқинда Green Card ютдим, АҚШга бормоқчиман, нима қилсам бўлади?

Жавоб: Аввало фурсатни бой бермай ўша жойдаёқ инглиз тилини ўрганг. Бу сизга ҳам арзон тушади ва ҳам тезда иш топиб кетишингизга ёрдам беради. Агар оилавий келсангиз бирорта таниш топишга ҳаракат қилинг. Бу сизга арзонроқ уй-жой топишга ёрдам керак бўлади.

Савол: Қандай қилиб инглиз тилини тезроқ ва яхшироқ ўрганса бўлади?

Жавоб: Манбаълар жуда кўп:

1. Интернет орқали
2. ESL (English as Second Language) курслар. (Баъзи жойларда бепул).

3. Мустақил, кутубхонадан қўлланмалар олиб. Масалан, мен "HELLO, AMERICA" номли 10 томлик (видео ва аудио касеталари билан) курсдан фойдаланганман.

Яна қуйидаги тавсияларни берган бўлар эдим: Кўпроқ ТВ, филмлар кўринг. Тезроқ

одамлар билан аралашади, гаплашади (муҳитга киришишга) ҳаракат қилинг, тил ўрганишда ҳеч ҳам тортинманг, уялманг.

Агар вақтингиз бўлса кўнгилли (Volunteer) ишларни қидиринг (буни топиш осонроқ). Кўнгилли ишни кутубхоналардан ёки Интернетдан топса бўлади.

Савол: Яшаш учун арзонроқ жойни қандай топса бўлади?

Жавоб: Агар бир ўзингиз бўлсангиз хонадош (Roommate) қидиринг. Интернет, газета эълонлари, танишлар орқали. Ундан ҳам арзонроғини топса бўлади. Баъзилар уйнинг ер тўласи (басемент)га ижарага қўйишади. Ёки бирор қарияга қарайдиган иш бўлса, ётоқхона текинга тушади.

Агар оилали бўлсангиз унда ҳам бир хонали квартираларни топса бўлади. Чикаго атрофлари арзонроқ (\$600-\$800). АҚШда бир хонали квартира икки хонадан иборат, яъни битта bedroom (ётоқхона) ва битта living room (зал).

Савол: У ерда мен қанақа ишни тезроқ ва осонроқ топа оламан?

Жавоб: Бу яна ўзингизга боғлиқ. Нима иш қила оласиз? Қандай касб-хунарингиз бор? Тил билишингиз қанчалик? Касбингиз бўлмаса келажакда қанақа касбни эгалламоқчи бўлсангиз, қайси соҳада қобилият-талантингиз борлигига қараб энг кичик ишни бошланг. Жуда бўлмаса, ҳозирча тўғри келган ишни бошлаверинг. Масалан, Чикагода

янги келганлар дастлаб такси, оғир юк машиналари ҳайдашади. Ёқилғи қўйиш шохобчаларида ва бошқа кичик дўконларда сотувчилик қилишади. Аёллар касалларга қарашади (Caregiver) ёки болага (Babysitter) қараш билан банд бўлишади. Шунингдек, шифохоналарда, мактабларда ёки дўконларда тозалаш ишларида (Janitor, Housekeeping) жойлашишган.

Кейинроқ эса ўзлари қизиққан соҳаларга ўқишиб, яхши ишларни олишартипти. Айтишим мумкинки, бир қанчалари ҳозирданоқ компьютер соҳасида яхши ишларни олишди.

Савол: Қандай қилиб иш топса бўлади?

Жавоб: Танишлардан суриштиринг, кўчадаги эълонларга қаранг, Интернет ва газеталардан изланг. Иш топиб берувчи агентликлар ҳам бор. Русча гапирадиганлари ҳам топилади. Энг яхшиси, бирор таниш киши сизни тавсия қилса тезроқ ишга олишади. Шунингдек қуйидаги вебсителарни тавсия қиламан: www.craigslistjobs.com, www.careerbuilding.com, www.chicagojobs.com

Савол: Ҳайдовчилик гувоҳномасини қандай олсам бўлади?

Жавоб: АҚШда ҳайдовчилик гувоҳномаси муҳим ҳужжат ҳисобланади, қарийб ҳамма жойда сўралади (биздаги паспорт каби). Биринчи ёзма тест топширасиз. Саволлар ва жавабларни www.chicagoru.comдан топасиз. (Русча) Кейин машина ҳай-

даш бўйича амалий имтиҳон топширасиз.

(Биздагидан анча осон).

Савол: Машина ҳайдашни ўргатадиган мактаблар борми?

Жавоб: Бор, лекин анчагина қиммат (соати \$40), яхшиси бирор танишингиз ёки дўстингиздан ёрдам олсангиз арзон тушади.

(Камина 10 га яқин кишини машина ҳайдашга ўргатганман)

Савол: Озиқ-овқатга кўп пул кетадими?

Жавоб: Бу кўпинча ўзингизга боғлиқ, агар уйда ўзингиз овқат қилсангиз унчалик кўп пул кетмайди: тахминан \$50-\$80 бир киши учун. Фақат арзонроқ дўконларни билишингиз керак.

Савол: Болаларимиз она тилларини йўқотмасликлари учун нима қилишимиз керак?

Жавоб: Ҳа, бу жуда ўринли ва муҳим савол. Мен шундай ўзбек болаларини кўрдимки улар она тилларини билишмайди ёки тушунишмайди, лекин гапира олмайди. Ва яна шунақа оилани бидамани, уларнинг оиласи келганига 40 йил бўлган бўлса ҳам, уларнинг болалари ўз тилини унутмаган. Демак бу оналарга боғлиқ. Бизнинг Чикагодаги Ўзбек-Чикаго жамиятининг асосий мақсадлари ҳам шу: болаларимизни ўз она тилларини, урф-одатларини, маданиятини сақлаб қолишлари учун ёрдам бериш. Бунинг учун биз бир қанча тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Чунончи, миллий байрамларни бирга нишонлаш, сайллар ташкил қилиш, болалар ўртасида турли хил ўзбекча мусобақалар ўтказиш ва шу кабилар. Яқин келажакда болалар учун ҳар ҳафтада ўзбек тилида дарслар ташкил қилишни мўлжаллаяпмиз (Sunday School).

Хуллас, агар Чикагода келадиган бўлсангиз, марҳамат, хуш келибсизлар. Бизнинг Ўзбек жамиятимиз қўлидан келганча ёрдам беришга тайёр. **М а н з и л и м и з** : www.uzbekchicago.org ёки Facebookда ҳам uzbekchicago деб қидиринг.



Америка қамоқхонасида унутиб қолдирилган талаба 4 миллион доллар товон пули олди

АҚШнинг Сан Диего шаҳридан бўлган талаба Даниел Чонг қамоқхонада тўрт кун унутиб қолдирилгандан сўнг ҳукуматдан 4 миллион доллардан ортиқ товон пули олган. Бу ҳақда унинг адвокати маълум қилган.

Даниел Чонгнинг айтишича, у ўша кунлари ўз чанқоғини қондириш учун ўз пешобини ичишга ҳам мажбур бўлган.

У 2012 йилда гиёҳванд моддаларга қарши курашиш бўйича ўтказилаётган рейд пайтида қўлга олинган ва унга айблов эълон қилинмаслигини айтишган. Аммо у сақланаётган қамоқхона ҳужрасига тўрт кун давомида ҳеч ким келмаган.

Даниел Чонг қамоқхонадан чиққач, беш кунни касалхонада ўтказди. У ўша кунлар давомида 15 килограмм вазн йўқотади.

У хато боис унутиб қолдирилганман, деб ўйлаганини айтади.

"Худди жуда ёмон ҳалокат бўлганга ўхшайди.

Шунинг учун мендан хабар олишмаяпти, деб ўйлаганман", дейди у, жумладан.

Унинг адвокатиға кўра, ушбу воқеадан сўнг Гиёҳвандликка қарши курашиш маъмурияти маҳбусларга нисбатан янги тартибни жорий этди. Унга мувофиқ, эҳтиёт чораси сифатида ушлаб туриладиган ҳибсхоналар ҳар кунни текширилиши ҳамда ичкарига қузатув камералари ўрнатилиши белгиланган.

Маълумки, дунёда мамлакатлар кўп, уларнинг ҳар бири ўз маданияти, ўз қадрияти, урф-одатларига эга. Бундай ўзига хослик уларнинг турмуш тарзини, ҳаётини ўзида акс эттирадию Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, гарчи дунёда маданиятлар ранго-ранг бўлса-да, уларнинг ўзига хос, бошқа бир давлат маданиятларида такрорланмайдиган хусусиятлари мавжуд. Миллий таомлар ана шундай такрорланмас хусусиятлардан биридир. Ҳар бир маданият вакили, табиийки, ўз миллий таомларига муттасил эҳтиёж сезиб боради, ва кўпинча, ўз ватанида яшайдиганлар учун ушбу эҳтиёжни қондириш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди.

Бироқ замон талаби билан ўзга юртларда таҳсил олаётган, иш юритаётган, умуман олганда ҳаёт кечираётган ватандошларимиз ушбу эҳтиёжни қандай қондиришади? Айнан ушбу масаланинг муваффақиятли ечимига эришган Америкадаги ўзбекистонлик билан суҳбатимиз мазкур масалада бўлди.

Умид Раҳматов:

«Тадбиркорликда онам менга асосий дастак»

Суҳбатдошимиз асли тошкентлик юртдошимиз Умид Раҳматов. 2007 йилда саёҳат мақсадида Американинг Нью-Йорк штатида ташриф буюрган, ушбу ватандошимиз илк йилларида бошидан кечирган қийинчиликларини айтиб ўтаркан, у "Авалло, Оллоҳга таваккал қилганман" деб такрор-такрор айтади. Хўш, таваккал ҳар доим ҳам яхши натижа келтирадимми ёхуд айнан Умид Раҳматовнинг "таваккали" қанчалик муваффақиятга сабаб бўлди?

- Сизда янги юртга мослашиш жараёни қандай кечган? Шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз?

- Тўғриси айтсам, мен учун Америкага мослашиш унчалик қийин бўлмаган, чунки бундан аввал ҳам мусофирчиликни бошдан кечирганман. Америкадан олдин бир нечта Европа мамлакатларида саёҳат ва турли мақсадларда маълум бир муддатда яшаганман. Шунга қарамай, табиийки, ҳар бир мусофирнинг бошида озми-кўпми моддий жиҳатдан ёки иш-жой масаласида бироз қийинчилик вужудга келади. Мен

ҳам Нью-Йоркда келган илк йилларимда иш топиш масаласида бироз қийналганман ва бирмунча муддатдан сўнг қурилишда иш бошладим. Ундан кейин, озроқ йўл-йўриқни ўрганиб олганимдан сўнг аввал ресторанда буюртма тарқатувчи, кейин турк ресторани ходими сифатида иш бошладим.

- Сизда Америкада ўзбек ресторанини очиб фикри қандай уйғонди?

- Биласизми, мен ҳар бир инсон ўзи яшаётган ҳар бир дақиқасидан қандайдир дарс олиши, унинг яхши томонларини ўзлаштириши ва айнан ўша жиҳатларини ўзига намуна сифатида ишлатиши мақсадга мувофиқ, деб биламан. Шу таомилга риоя қилишга ҳаракат қилдим ва охириги иш жойим, яъни турк ресторанидаги тажрибам давомида у ердаги ҳар бир фаолиятни синчковлик билан ўрганиб ўзлаштирдим. У ердаги иш фаолиятимнинг бир йилидан сўнг менда ҳам ўз ресторанимни очиб фикри уйғонди. Ва шу билан 2009 йил Нь-Йоркнинг Манхэттан шаҳрида "Istanbul Kebab



House" номли биринчи ресторанимни очдим.

- Демак, биринчи ресторанингизнинг очилишига асосий сабаб турк ресторанидаги иш тажрибангиз бўлган, шундайми?

- Йўқ, иш тажрибамни асосий сабаб дея олмайман, у шунчаки жуда керакли манба бўлиб хизмат қилди. Менга, энг аввало, онам Саодат Раҳматованинг маслаҳатлари, қолаверса, моддий кўмаклари жуда катта туртки ва ёрдам бўлган. Ҳозиргача асосий кучим онам деб биламан. Кейин ресторан очилишидан бир йил олдин укаларим Суннат ва Нуриддиннинг ташрифлари ҳам катта куч бўлди. Ҳаммамиз биргаликда фаолият бошлаганмиз.

- Ресторанингизни нега "Istanbul Kebab House" деб номлагансиз?

- Саволни тушундим. Менга олдин ҳам бундай савол билан мурожаат бўлган. Ва албатта, бундай номлашимга сабаб бор. Америкада тижорат қилишда олдиндан ҳар томонни ҳисобга олиш керак. Куза-

тишим давомида шунга амин бўлдимки, Нью-Йоркда аҳолимиз сони унчалик кўп бўлмагани сабаб ҳали маҳаллий аҳоли ўзбек таомлари билан унчалик таниш эмас. Шу мақсадда Истанбул номини қўйишга қарор қилдим. Номини туркча бўлгани билан таомларимизнинг ярми ўзимизники.

- "Uzbek Palace" ресторанининг очилиш жараёни ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз?

- "Istanbul Kebab House" ресторанимиз орқали ўзбек миллий таомларимиз ҳам анча танилди деб сўзсиз айта оламан. Қолаверса, Бруклинда ватандошларимиз сафи тобора кенгаётгани сабаб миллий таомларимизга ҳам эҳтиёж орта боришини англадим, ва шу мақсадда бундан 7 ой олдин "Uzbek Palace" ресторанини очилишга муваффақ бўлдик. Бунда ҳам албатта онамнинг ҳар томонлама ёрдамлари, маслаҳатлари катта бўлди.

- "Uzbek Palace" ресторани фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?

- "Uzbek Palace" ресторани Америкадаги иккинчи шахсий бизнесимиз бўлгани сабабли анча муваффақиятли кечди. Чунки биринчи фаолиятимдаги хатоларимни, камчиликларимни иккинчисида олдини олдим. Жуда қисқа муддат давомида ўз мижозларимизга эга бўлдик. Ҳозирда "Uzbek Palace"да таомларимиз тўлиқ ўзбекча таомни ташкил этади, аммо талабларга биноан туркча таомлар ҳам тайёрлаймиз. Ошхонамизда моҳир ўзбек ва турк ошпазлари ишлашади. Ресторанимизда 100 кишилик жой мавжуд бўлиб, унда турли хил банкетлар, туғилган кун ва юбилей маросимлари, ақиқа тўйлари, худойи маракалари ўтказиш

мумкин. Шу пайтгача ана шундай маросимларни мижозлар қониқадиган даражада ўтказиб келяпмиз. "Uzbek Palace"нинг бир неча қулайликлари шундаки, биз буюртмалар ҳам қабул қиламиз ва уларни тезкор равишда ўз манзилларига етказиб берамиз. Қолаверса, менюда кўзда тутилмаган таомларни ҳам ошпазларимиз тайёрлаб беришади. Масалан, чойхона ош, димлама, беш бармоқ, уйғурча лағмон каби миллий таомларимиз менюмизда бўлмаса ҳам, уларни мижозларга тайёрлаб берганмиз. Ҳозирда ўз веб-сайтими www.uzbekpalace.com ҳам фаолият юритмоқда.

- Америкада тижорат юритмоқчи бўлган ватандошларимизга қандай маслаҳатлар берардингиз?

- Энг аввало, Оллоҳга таваккал қилиш керак! Кейин бизнес бошлашда ҳеч қачон маблағнинг охириги тийинигача ишлатмаслик зарур. Пулнинг бор йўғини сарфлаб шоҳона ресторан қурган билан ойлаб, йиллаб битта ҳам мижоз кирмаслиги мумкин. Камида 1 йиллик моддий режани олдиндан тузиш керак. Бу тижоратнинг энг асосий шарт. Кейинчалик эса реклама ва эълонларни муносиб етказиб бериш керак. Тижоратда ҳар дамда муваффақиятни ҳам йўқотишни ҳам қарши олишда тайёр бўлиб туриш керак. Бунинг учун эса, аввало, сабр ва ақл жуда муҳимдир.

Юртдошларимизга тилақларим, қаерда бўлишмасин, саломатлик, омад тарк этмасин! Биз эса уларга мазали ўзбек миллий таомларимизни етказиб беришда давом этайлик!

Uzbek Palace
1985 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11223
www.uzbekpalace.com
Istanbul Kebab House
712 9th Ave
New York, NY 10019
www.1istanbulkebab.com

Нилуфар САЛИМОВА



Гулистонлик Илҳом Парпиев балиқ овлаш учун электр қармоғидан фойдалангани учун 12,2 миллион сўмлик жаримага тортилди.

Суд электр қармоқ билан балиқ овлаган сирдарёликни жаримага тортди



Сирдарё тумани прокурори Баҳодир Эрматовнинг ёзишича, гулистонлик Илҳом Парпиевнинг нафси ҳақалак отиб, оиласи ҳали ёш ва кичик бўлишига қарамасдан на оддий қармоқ, на тўрга қаноатланмасдан тақиқланган ва шавқатсиз усул бўлган электр қармоқ билан ов қилишни ихтиёр этади.

"2013 йилнинг кеч қиши, аниқроғи, 25 февраль куни соат тунги тўққиз-ўнлар атрофида шахсий машинасида Сирдарё тумани Охунбоев сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидан ўтайдиган "Шўрўзак" каналаига балиқ овлаш учун йўлга чиқади", деб ёзади прокурор.

Электр қармоқнинг ёмон жиҳати шундаки, қармоқ сувга солингандан кейин муайян ҳудуддаги балиқлар электр зарбидан ёппасига ҳалок бўлади. "Ўзи билан резина қайиқ олган Илҳом Парпиев электр зарбидан ўлиб, сув юзига қалқиб чиққан балиқларни териб, машинасига жойлай бошлайди. Сайхунобод тумани табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси вакиллари уни жиноят устида қўлга олади", дейилади прокурорнинг "Миллий тикланиш" газетасидаги мақола-сида.

Текшириш жараёнида унинг машинасидан 57 донга балиқ, иккита аккумулятор, электр қармоқ ва резина қайиқ ашёвий далил сифатида олиб кўйилади.

Прокурорга кўра, Илҳом Парпиев ўз хатти-ҳаракати билан табиатга 12,2 миллион сўмлик зарар етказди.

Унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси бўйича айб кўйилиб, овланган балиқ Меҳрибонлик уйига топширилади, суд ҳукми билан 12 256 860 сўм (Марказий банк курси бўйича 5830 доллар) зарар етказгани аниқланиб, моддий зарарнинг 7,9 миллиони қопланади, 4,3 миллиони Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳисобига ўтказилган.

TOWN TOTAL HOME CARE AGENCY

**ВНИМАНИЕ!
СРОЧНО ТРЕБУЮТСЯ**

**РАБОТНИКИ
С СЕРТИФИКАТОМ
РСА и ННА**



Немедленное трудоустройство!

1041-33



- Удобный для вас график – полный и неполный рабочий день
- Работа на выбор во всех районах Нью-Йорка
- Еженедельная зарплата
- Оплата сверхурочных часов
- Direct Deposit

Помогаем оформить Home Attendant сервис и перевести Housekeeper на Home Attendant за короткое время

Реальная помощь пациенту и работнику

(718) 717-8821

**У НАС ЕСТЬ ОФИСЫ ВО ВСЕХ РАЙОНАХ НЬЮ-ЙОРКА:
БРУКЛИН, КВИНС, МАНХЭТТЕН, БРОНКС, СТЕЙТЕН-АЙЛЕНД**

Прописка учун тузилган никоҳ бекор қилинди

Маълумки, Тошкент шаҳри ва вилоятида фуқароларни доимий прописка қилишда алоҳида тартиб амал қилади. Ана шундай таомиллардан бири никоҳдан ўтиш орқали эр ёки хотиннинг доимий пропискаси ҳал этилади.

Миробод тумани прокуратураси терговчиси Баҳром Нурматовнинг "Ҳуқуқ" газетасида ёзишича, никоҳларнинг сохталиги аниқланса, суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Терговчининг ёзишича, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига фуқаро Дилором Сафарова

даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Акмал Хўжаевга нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас, деб топилганини сўраган.

Суд мажлисида аниқланишича, даъвогар Д. Сафарова ва жавобгар А. Хўжаев билан 2010 йил 16 июнь куни Чилонзор тумани ФХДЁ бўлимидан қонуний никоҳдан ўтишган.

Бироқ бу никоҳ оила куриш мақсадида эмас, балки ўзаро келишилган шарт асосида тузилган. Тарафлар оилавий муносабатларга киришмаган, умумий рўзғор юритмаган. Келишувга кўра, Чилонзор туманидаги уйни жавобгар А. Хўжаев "ҳада" тариқасида қабул қилиб, Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга ўтиши,

бунинг учун ундан талаб қилинадиган нарса - даъвогар Д. Сафаровага уйланиши ва "никоҳ"дан кейин уйни унинг номига расмийлаштириб бериши, шундан кейин судга ариза бериб, ажрашиш керак бўлган.

Терговчининг ёзишича, бу сохта никоҳдан кўзланган мақсад Д. Сафарованинг Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга ўтиши ва уйни ўз номига расмийлаштириши керак бўлган. Бироқ сохта куёв - А. Хўжаев фикридан қайтиб, "ке-

лин" - Д. Сафаровани пропискага кўйиш ҳамда уйни унинг номига ўтказиб беришдан айниб қолади. Шундан кейин Д. Сафарова судга никоҳни ҳақиқий деб топилганини сўраб мурожаат қилади ва суд унинг аризасини қаноатлантиради.

Амалдаги қонунчиликка кўра, эр (хотин) - хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса Тошкент шаҳри ва вилоятида прописка қилинади.

Эслатма: материалдаги исм-фамилиялар ўзгартириб берилган.

Сент-Луисда янги ўзбеклар жамияти тузилди

Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган ўзбекистонликлар ўзаро бирлашиш, яхши ва ёмон кунларида бир-бирини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса, миллий қадриятларимизни, тилимизни асраб-авайлаш, янги келаётганларнинг жамиятга мослашувида кўмак кўрсатишга алоҳида урғу берилмоқда. Ана шу эзгу мақсадларда бугун турли жамиятлар тузилмоқда. Сент-Луисда тузилган ўзбеклар жамияти ҳам бунга яққол мисолдир. Биз мазкур жамият таъсисчиларидан бири Анвар Закиров билан ушбу масалада боғландик.

- Анвар ака, аввало, хайрли иш билан табриклаймиз ва сизларга омад тилаймиз. Айтинг-чи, Сент-Луисда қанча ўзбек оилалари яшайди?

- Раҳмат. Шаҳарда эллика

яқин оила бор ва ҳар йили камида иккита-учта оила келиб қўшиляпти. Умуман, шаҳарда ўзбеклар жамияти ўсиб бораётганидан жудаям хурсандмиз.

- Тез тез учрашиб турсизларми?

- Бир йилда камида 2 ёки 3 марта катта маросимлар ўтказамиз, мисол учун, Ҳайит ва Наврўз каби. Ундан ташқари, тўй ва шунга охшаш тадбирлар ҳам бир йилда 1-2 марта бўлиб туради, шунда ҳам ҳамма йиғилади. Қолаверса, деярли ҳар икки ҳафтада кичик йиғинларда дийдорлашиб тураемиз. Энг асосийси ва қувонарлиси, биз иноқмиз. Ким нима бўлишидан қатъи назар тадбирларга келади ҳамда бирга хурсандчилик билан ўтказамиз.

- Ташкилот очиб қўйиш ҳақида ҳам тўхталсангиз?

- Қуни кеча йиғинларимиздан бирида - ифторлик/ақиқа маросимида ватандошимизнинг уйларида йиғилгандик, ана ўша ерда асосан ёшлардан бу так-



лиф чиқди. Катталар дарҳол қўллаб-қувватлашди.

- Кимлар бу ташкилот таъсисчиси ҳисобланади?

- Ташкилот таъсисчилари шаҳардаги барча ўзбекистонликлар. Лекин юқорида айтганимдек, ташаббус асосан ёшлардан чиқди. Кимнингдур исмини айтишни хоҳламаймиз, чунки бу лойиҳа устида ҳаммамиз бирга ишляпмиз ва кейин кимнингдур исми ёдидан чиқиб қолса, у одамнинг кўнглини оғритиб қўймай дейман.

- Ташкилотни очидан мақсад нима?

- Уюшмадан асосий мақсад-

ларимиз миллий байрамларда ҳаммани бир жойга жамлаб нишонлаш, янги келган ўзбекларга моддий, маънавий ва амалий ёрдам кўрсатиш ва Аллоҳ асрасин, лекин ҳаммамизни бошимизда бор - оғир кунларда маросимларни уюштириш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш.

- Жамият олдидаги режалар?

- Ҳозир Рамазон ҳайитини чиройли қилиб нишонлашни режалаштиряпмиз, ўша рамазон ҳайити сайлида UASTL ҳайъат азалари ва ижрочи масъулларни овозга қўйиб, сайлаб олмақчимиз, Худо хоҳласа! Кейин келажакда жамият учун бирон бино ижарага ёки сотиб олиб, ўзимизнинг маросимлар учун махсус хоналар, кундалик ишлар олиб бориш учун офис, насиб бўлса, яқин келажакда болаларимиз учун миллий руҳда, ўзимизнинг ўзбекчилигимизда тарбияладиган мактаб ташкил қилиш режаларимиз бор.

- Қандай тадбирлар ўтказмоқчисизлар?

- Худо хоҳласа, Рамазон ҳайитидан кейин Қурбон ҳайитини нишонламоқчимиз ва ундан кейин Наврўзни. Ундан ташқари, шу ой Сент-Луисдаги ўзбек жамоаларининг энг хурматли оилаларидан бири Усмонов Акмал ака оиласида хурсандчилик бўляпти, у кишининг қизлари турмушга чиқаяпти. Чикаголик ўзимизнинг ўзбек йигитига. Шу хурсандчилик маросимига ҳам барча ўзбеклар таклиф қилинган. Худди Ўзбекистондаги каби автобуслар ёллаб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Чикагога қиз узатиб кетяпмиз.



Самарқандлик йўловчи самолётдаги "қилиқлари" учун уч йилга озодликдан маҳрум этилди



Самарқанд шаҳар транспорт прокуратураси терговчиси Қаҳҳоржон Муқумовнинг "Ҳуқуқ" газетасида ёзишча, самарқандлик Алишер Қурбонов самолётда кўрсатган "қилиқлари" учун суд томонидан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Терговчининг ёзишча, Алишер Қурбонов Россия Федерациясида икки йил ишлагач, қишлоғига қайтмоқчи бўлди. Москванинг "Внуково" аэропортидан "Москва - Самарқанд" йўналиши бўйича чипта сотиб олади. Аэропортга рўйхатдан ўтиш учун келганида самолёт об-ҳаво ноқулайлиги боис учиб белгиланган вақтидан кечиктирилгани ҳақида эшитди. Бироз зериккан Алишер кутиш залидаги дўкандан бир литр ҳажмли виски спиртли ичимлигини сотиб олади. Шу ердаги тамаддихоналардан бирига кириб, оз-оздан ича бошлади. Бу пайтга учиги рухсат берилгани ҳақида эълон қилинди. Тахминан бир соатлар

учгач, Алишер қўлига вискини олади.

Алишер борт кузатувчиси ва бошқа ходимларнинг самолётда ичиш тақиқлангани ҳақидаги гапларига кўнмасдан, уларга буйсунишдан бўйин товлаб, ичишда давом этади. Вискини қарийб ичиб тугатган Алишер Қурбонов ўрнидан туриб, учувчилар хонасига киришга уринади, экипаж аъзолари бунга йўл қўймайди. Алишер барибир уларнинг гапига қулоқ солмай, бақир-чақир қилади, бошқа йўловчиларга ҳалақит беради. Экипаж аъзолари ундан тинчланишни, йўқса, жиддий чора кўришларини айтади. Бу оғохлан-тириш унинг газабини уйғониб, у "мени тинч қўйинг, сумкамда бомба бор", деб бақиради.

Самолёт Самарқандга қўнган, милиция вакиллари уни ҳибсга олади. Унинг буюмлари текширилгач, ҳеч қандай портловчи модда йўқлиги аниқланади. Ишга судга ошади ва уч йил озодликдан маҳрум этилади.

Dinar Travel
AIRLINE TICKETS, HOTELS, VACATIONS & MORE

2667 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11223
Phone: (407) 722-0408

FOR RESERVATION: (800) 769-7407 / (856) 577-9158



BOOK YOUR TICKET NOW TO GET \$25 OFF DISCOUNT

SUMMER SALE

UP TO \$100 OFF ON PACKAGE HOLIDAY BOOKINGS!

• 15 ways to get Cheap Flights, lowest fare guarantee!

• Save up to 70% on Flights, Hotels, Car Rental & Family Holidays!

Албатта, билимнинг маҳсули фақатгина камолот ва ютуқдир, унинг чеки йўқдек гўё, киши илм йўлида қанча изланмасин, қанча ўзлаштирмасин, унинг янгидан янги чўққилари вужудга келверади. Кимдир учун у ҳаво ва сувдек зарур бўлса, кимдир эса унинг ҳатто мазмун ва моҳиятини англаганича йўқ. Ана шундай илм йўлида ташна замондошларимизнинг сони кундан кунга кўпайиб бормоқда, ва айниқса юртдошларимиз орасида нафақат ватанимизда, балки бутун дунё бўйлаб илм чўққиларини забт этаётган ёшларимиз талайгина.

Уларнинг орасида ватандошимиз Саида Тулаганова ўз тенгдошлари орасида ўз ютуқ ва муваффақиятлари билан ўрнатилган бўла олган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Саида Тулаганова асли Тошкентлик бўлиб, у 2002 йил АҚШ Давлат департаменти ҳомийлигида ташкил топган ACCELS грант дастури бўйича мактаб ўқувчилар танловида қатнашиб, республика бойича ғолиб деб топилган ҳамда АҚШда тахсил олиш учун грант йўлланмасини қўлга киритган. Умумий ўрта таълимни АҚШда давом эттирган ҳамда унинг санъат йўлида ҳам қизиқиши улкан бўлганлиги сабабли 2002 йил мактаб даврида расм чизиш танловида ғолиб бўлган. Қолаверса у математика бўйича ўтказилган мактаблараро олимпиадада фахрли 2-ўринни эгаллаган. Ўрта таълимдан сўнг Саида Cottey Collegeda фахрли ўқувчилар учун ажратилган грант ҳисобида тахсил олиб, ушбу коллежда у Phi Beta Lambdaда ташкилоти томонидан ўтказилган "Американинг бўлажак бизнес етакчилари" (Future Business Leaders of America) танловида фахрли ўрин эгаллаган. Маълум бир муддат давомида у инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ҳам ушбу коллежда кўнгилли бўлиб ишлаган. 2010 йилда АҚШнинг энг нуфузли олийгоҳларидан

Ўзбек қизининг америкача орзуси



"Маънавий ҳаётда ҳам амалий ҳаётдагидек, кимки билимга таянсагина тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади.

У. ЖЕЙМС.

ни берилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, Саиданинг ҳар бир ютуғи намунали, ҳар бир қарори ўрнатқарарлиқдир. Хўш, у буларнинг барига қандай эришган, ўз мақсади йўлида қандай тўсиқларга дуч келган, мусофирчиликдаги илк йиллари қандай кечган? Булар ҳақида батафсилроқ билиш мақсадида унинг ўзига юзландик. Саида ҳар қандай мақсад йўлида албатта қийинчиликлар учрашини тан олади. Унинг айтишича у АҚШда фақатгина икки йиллик таълим гранти билан келган ва кейинги йилларда олийгоҳ таълим харажатларини давлатдан қарз олиб тўлаган. Кейинчалик лавозимга эга бўлиб ишлари юришиб кетгач, ўз қарзларини тамоман тўлаб улгурган. Саиданинг фикрича "АҚШдаги ўқиш ва яшашнинг нисбатан қимматлиги кўпгина қобилиятли ватандошларимизга асосий тўсиқ бўлиши мумкин", "лекин, токи илм йўлида эканмиз, бу юксалиш йўлида дегани, бу йўлда ҳар қандай тўсиққа оддий бир синнов сифатида қараш керак, чунки меҳнат ҳеч қачон натижасиз бўлмайди" дейди у фахр билан.

Саиданинг Америкадаги илк йиллари, унинг ушбу халқ ҳақидаги фикри ёхуд қисқа қилиб айтганда унинг "Америкача орзуси" би-

бири бўлмиш Drexel университетини фахрли талабалар сафида муваффақиятли тугатган. Дрекселда Саида молия ва халқаро тадбиркорлик (finance and international business) соҳасида тахсил олган. Университетда Саида энг аълочи талабалар сафида бўлиб, у бизнес соҳасида бир қатор фахрий ёрлиқлар, сертификат, ва раҳматномалар билан тақдирланган. Бундан ташқари у олийгоҳ ташкилий ишларида ҳамда турли хил тўғрақларида етакчилик

қилиб келган. Дрексел университетиде талабалар орасида амалиётни нуфузли муассасаларда ўташ ўта рақобатли бўлиб, бутун университетда JP Morgan Chase банки томонидан молиявий таҳлил йўналишида иккитагина талаба танланиб, улардан бири Саида бўлган. JP Morgan Chase банкида амалиётини аъло даражасида ўтагани туфайли Саидага банк томонидан ўз соҳасида лавозим таклиф этилган. JP Morgan Chase банкида у "Women's Interactive Network" уюшмаси аъзоси ҳамдир. Ҳозирда Саида, ота-онаси ва синглиси билан биргаликда Нью-Йорк шаҳрида яшайди ва мазкур банкда молиявий таҳлилчи (financial analyst) бўлиб иш юритмоқда. Эришган ютуқлари ҳамда тинимсиз излашини тақдирлаш мақсадида 2008 йил Саидага АҚШдаги Ўзбек ташаббуси ёшлар маркази томонидан "Йил талабаси" унво-

лан қизиқдик. Саида бу ҳақида шундай дейди:

"Ҳар бир инсоннинг, қайси миллат, қайси ирқ ва қайси ижтимоий қатламга мансублигидан қатъий назар, ўз ақл ҳушини таниб бошлаганидан ўзига хос орзулари уйғонади. Ўз тасаввурдаги "комиллик"ка эришиш учун ҳарқат қилади. Айнан ушбу масалада, Америкада имкониятлар жуда катта. Айниқса, билим олиш асосий мақсади бўлган ёшлар учун ҳар томонлама йўллар очилди. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун, табиийки, биринчи навбатда "мукамал тил калити" га эга бўлиш зарурдир. АҚШ дунёдаги барча миллатлар тўпламидан ташкил топган, десак муболаға бўлмайди. Табиийки, бу ердаги аҳоли орасида маданият, урф-одат ва дунёқарашлар ранго-ранг. Албатта, улар орасида оқ ва қора чизиқлар туташибди. Бир томондан, ўзга юртда, ўз яқинларидан олисда яшаш қийин, ҳаттоки у "Америка" бўлса ҳам. Лекин, барибир, ўз олдида қатъий мақсад қилиб олган инсон учун буларни енга олиш қийин эмас деб ўйлайман. Чунки қийинчиликлар ҳамма ерда ҳам учрайди. Менинг "Америкача Орзуим"га келсак, мен доим Америкадаги имкониятларнинг баридан унумли фойдаланиб, кўпроқ билим олиш, танлаган соҳамда етуқ мутахассис бўлиб етишиш, ҳамда Ватанимга, ватандошларимга имкон қадар кўпроқ наф келтиришни ўз орзуим, ва албатта, мақсадим деб билганман.

Дарҳақиқат, бахтнинг калити билимдир. Билим чўққиларини эгаллаш учун эса мақсад керак, мақсадга эришиш учун интилиш, меҳнат ва сабр зарурдир. Саида каби, ана шуларнинг барини ўзимизда мужассам эта олсаккина ҳаётда нимагадир эришаётганимизни, юрт шаъни, ривожини учун ўз ҳиссамизни қўшаётганимизни ҳис этамиз. Барчамизда ана шу муқаддас "ҳис" насиб этсин!

Нилуфар САЛИМОВА.





"Ўзбекистон вакиласи Раҳима Фаниева "Дунё гўзали" "Miss World" халқаро гўзаллик мусобақасида ўз мамлакати шарафини ҳимоя қилади", деб ёзади мазкур халқаро мусобақа расмий сайти.

Ўзбекистон вакиласи илк марта "Дунё гўзали" (Miss World)да қатнашади

Сайтда айтилишича, Раҳима жорий йилнинг 20 июлида Ўзбекистон босқичида ғолиб бўлган. Сайтнинг яна қайд этишича, Ўзбекистон билан бирга, Камерун, Гвинея, Гвинея-Бисау ва Косово ҳам бу йил дебютант сифатида қатнашади.

Расмий сайт Ўзбекистон ҳақида бешта фактни келтиради. Бу Ўзбек аёлининг саломлашиши, Алгебра асосчиси Ал-Хоразмий Ўзбекистонда туғилгани, 2002 йилда 2700 йиллик қадимий эҳромлар кашф этилгани, Ўзбекистон дунёда денгиз йўлига чиқиши учун иккита мамлакат

худудидан ўтиши керак бўлган иккита давлатдан бири (Лихтенштейн) эканлиги ҳамда Ўзбекистон нон ҳеч қачон тескари ва ерга қўйилмаслиги айтилади.

Раҳима Фаниева ҳақида бошқа маълумотлар келтирилмаган.

"Miss World" халқаро гўзаллик мусобақаси бўлиб, 1951 йили Буюк Британияда ташкил топган. Анъанага кўра, "дунё гўзали" бўлган қиз бир йил Лондонда яшайди ва турли хайрия, шоу тадбирларида қатнашади. 2012 йилда хитойлик Юй Вэнься ғолиб бўлган.

Рашид Холиқов ҳашорат чақиши оқибатида уч марта операция қилинган

Сўнги пайтларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рашид Холиқов ҳақида турли миш-мишлар тарқалди. Хонанданинг Darakchi газетасига берган интервьюсида айтилишича, Германияга қилинган сафар давомида Ўзбекистон билан алоқани узмаган. "Доимий равишда интернет орқали маълумотларни кузатар эканман, журналистлар мухлисларни анча ваҳимага солиб қўйганига гувоҳ бўлдим.



Яхши хабардан кўра, ёмон гап тез тарқалиши бор нарса экан. Мен янги кўшиқлар куйлаганимда ҳам одамлар бу қадар тезкор муҳокама қилишмаган эди", дейди хонанда.

Рашид Холиқов бир ой давомида Германия шифоналарининг бирида даволанган. Гап шундаки, қиш фаслида оила аъзолари билан Бали оролларида дам олган. Оёғини ҳашарот чақиши оқибатида қонига инфекция тушган экан. Йиринг пайдо бўлади. Германияда уч маротаба кичик жарроҳлик амалиётини

бошдан ўтказди. "Айни кунларда муолажа ишларини уйда давом эттиряпман. Германия шифокорлари қоним таркиби ва инфекциянинг турига қараб менга махсус дори тайёрлаб беришди. Яратганга шукрки, ҳозир ҳаммаси изига тушяпти. Ўзимни анча яхши ҳис қила бошладим. Фақат шу ойнанинг ўрталарида яна бир марта шифокорлар кўригидан ўтиш учун Германияга боришим керак. У ерда физотерапия олсам, бутунлай тузалиб кетаман", дейди хонанда.

Хонанданинг айтиши-

ча, авваллари вазни 115-120 кг бўлса, Германияга кетишидан аввал оёғи касаллангани учун қисқа вақт ичида 88 килогача озган.

Рашид Холиқов ижодни соғинганини айтади. "Менинг хоҳиш-истагимга боғлиқ бўлганда эди, ҳозирок ишга киришардим. Минг афсус... Қўшиқ куйлашни, сахнани, ҳатто хизматлардан толиққан пайтларимни соғиндим. Пул учун эмас, шунчаки, кимнингдир тўйига бориб қўшиқ куйлаб берсам эди, деяпман гуруҳимдагиларга ҳазиллашиб".

Ўзбекистонлик хонанда Туркменистонда жаримага тортилди

Ўзбекистонлик хонанда Бунёд Саидов Туркменистон Республикаси миграция қонунчилигини бузганлигини учун 900 АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилган. Бу ҳақда 12uz.com сайти хабар тарқатди. Сайтнинг интернет манбаларига таяниб, хабар беришича, Саидов Тошқовуз вилояти Кўҳна Урганч туманида бўлиб ўтган тўй тадбиридан сўнг тўй эгасиникида ётиб қолмасдан, Тошқовуз шаҳридаги "Орзу" меҳмонхонасида тунаб қолади. Бу эса унинг жаримага тортилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Парпиев бошчилигидаги делегация яқинда олиб борган музокаралар натижасида икки давлат чегара вилоятлари аҳолиси ойига бир марта уч кун давомида визасиз бўлиши мумкинлиги белгиланган.



Гулсанам Мамазонова ижодга қайтди

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазонова иккинчи маротаба она бўлгани ҳақида хабар берган эдик.

Ёш она ўз мухлисларини соғинган шекилли, уларни кўп куттирмасдан тезда ижодга қайтди. Турли тадбирларда фаол иштирок этаётган хонанда яқинда Иқбол Мирзо шеъри, Алишер Расулов мусиқаси билан "Юртим" деб номланган кўшиғини ёзиб тугатди.

Шу билан биргаллик у Мустақиллик байрами ҳамда "Шарқ тароналари" фестивалига ҳам алоҳида тайёргарлик кўрмоқда.

"Даракчи" газетаси тўй мавсуми олдидан Ўзбекистондаги эстрада хонандалари энг бозори чақонларини ўрганиб чиқди. "Бугун ўзбек шоу-бизнесидаги аксарият хонандалар тезроқ танилиб, тўй хизматларига бориш учунгина санъатга қадам қўйишяпти десак, муболага бўлмас", деб ёзади газета.

Газетанинг ёзишича, тўй ортидан топиладиган маблағ ким учундир арзимас кўринса-да, бир хонанда бу билан оёққа туриб олади-да. Ёки бор-йўғи 20-30 миллион сўмга олинган фильмлар ўз намойишидан кейин сарфланган маблағни бир неча баробар қоплаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хуллас, бугунги саҳифамиз орқали

Газетанинг хонандалар фикрига таяниб ёзишича, Ўзбекистонда мавсум ёзнинг ўрталаридан бошланиб, то ноябр ойининг охиригача - декабрнинг биринчи ярмига қадар чўзиларкан. Бироқ Рамазон ойи муносабати билан бу йил янги мавсумнинг бошланиши ўз-ўзи-

шингиз мумкин.

Мавсумга қарамайдиган хонанда:

Хонанда **Алишер Рўзметов**ни ижодкорлар ҳам, мухлислар ҳам ҳар қандай мавсумга қарамай

2. Пойтахт тўйларида камнамо бўлиб қолган **"Давр"** гуруҳини мавсумда ё Бухородан, ё Самарқанддан топасиз. Гуруҳ аъзоларининг ҳам навбатчилик борасида ишлари юришган.

3. **Фарҳод ва Ширин** ижодини бошлаганига кўп бўлмаган эса-да, вилоятлардаги тўйларда навбатчилик қилиш борасида анча илгарилаб кетишган. Ўтган йилдан бошлаб улар қаторига хонандалар Ойбек ва Нигора ҳам қўшила бошлади. Айни тўй мавсумида

2. **Даврон Кабулов** ва **Райҳон Уласенова** жуфтлиги гоҳ пойтахт тўйларида, гоҳ вилоятдаги тўйларда пешқадам бўлиб келмоқда.

Газетанинг ёзишича, "Мавсум"га ҳар ким турлича таъриф беради. Баъзи хонандалар эса тўйлари кўпчилигини ОАВдан яширишга уринишади. "Буни айтиб кўз-кўз қилишса, гўёки ишлари ортга кетди-дигандек", дейди муаллиф. "Мавсум" ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида барибир уларга микрофон тутдик.



Facebook экспертлар таҳмин қилганидан кўра кўпроқ маблағ топа бошлади. Хорижий оммавий ахборот воситаларининг қайд этишича, дунёдаги энг катта ижтимоий тармоқ реклама фаолиятидан даромадларини кескин оширишга муваффақ бўлди. Facebook ижтимоий тармоқларнинг ўзига хос мураккабликлари қарамасдан мўлжалдагидан кўпроқ маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлди, деб ёзади "КоммерсантЪ". Ҳозирги кунда уларнинг асосий вазифаси ана шу даромадларни ушлаб қолишдир.

Facebook пул топишни ўрганди

Жорий йил иккинчи чорагида компаниянинг жами даромадлари миқдори икки баробар ортиб, 1,8 миллиард долларни ташкил қилди. Бу таҳлилчиларнинг прогнозидан 200 миллион долларга кўпдир. Ушбу кўрсаткич компания акцияларининг янада қимматлашишига хизмат қилди. Чунончи, Нью-Йорк биржасида унинг акциялари 20 фоиз қимматлашди.

Экспертлар ижтимоий тармоқлар орасида Facebook ўз базасини пулга айлантиришда илдам ҳаракат қилаётганини алоҳида эътироф этишмоқда. "Социальные сети" агентлиги раҳбари Денис Тереховнинг айтишича, ижтимоий тармоқлар бизнесидаги беқарорликка қарамай Facebook пул топишни ўрганиб олди.

"Ростини айтиш керак, шу пайтга қадар Facebook венчур лойиҳа ҳисобланар эди. Бу инвесторлар учун кўп жиҳатдан аниқ бизнесдан кўра, қачон даромад келтиришини кутиш ҳисобланади. Гугл - бизнес, Яндекс - бизнес, лекин Facebook, LinkedIn, Twitterдан пул топиш учун озгина кутиш керак бўлади. 100 йил ёки 2000 йилда даромад келтирадиган бизнес бўлмайди. Шунинг учун компаниялар қандайдир аниқ бир вақтда даромад топиш ҳақида бош қотириши керак. Ўйламанки, facebookда ҳаммаси олдинда", дейди у.

Facebook даромадларининг катта қисми рекламадан келиб тушган. Ўтган йилдагига қараганда, бу кўрсаткич 61 фоизга ўсган.

2012 йил маълумотларига кўра, Facebookнинг бир миллиард нафардан ортиқ фаол фойдаланувчилари бўлиб, уларнинг 8,7 фоизи сохта аккаунтлар ҳисобланади.

Тўйларимизда кимнинг

«ОШИҒИ ОЛЧИ»?

дан августга кўчди. "Шунинг учун кўпчилик хонандалар "ўлик пайт"да янги қўшиқларини ТВ орқали айлантириб, бошланажак мавсумни ўзиники қилиш ниятида", деб ёзади "Даракчи".

Пойтахт тўйларида энг "ошиғи олчи"лар:

1. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Мавлуда Асалхўжаева** анча йиллардан буён "бирров"-га борадиган хонандалар сафида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Узунқулоқ гапларга қараганда, мавсум авжида хонанда бир кунда камида 5 ёки 6 та "бирров"га бораркан.

2. Айни дамда иккинчи ўринда бўлса-да, бироқ Мавлуда Асалхўжаеванинг ўрнига жиддий даъвогарлик қилаётган хонанда - **Муниса Ризаева**. Унинг ҳам тўйлар мавсумида кунига камида 4 та "бирров"-и бўлар экан.

3. Учтинчи ўринни эса икки йилдан буён хонандалар **Улуғбек Раҳматуллаев**, **Шохрухон** ва **Нилуфар Усмонова** эгаллаб келишяпти. Маълумотларга қараганда, уларни мавсум пайтида кунига 3 ёки 4 марта "бирров"да кўри-

энг "харидоргир" хонанда сифатида билишади. Рўзметов "навбат" ўтказиш бўйича пойтахтда донғи кетганлардан саналса-да, "бирров"ларни ҳам унутмайди. Кўпчиликнинг фикрича, у навбатчилик қилаётган тўйларга бошқа хонандаларни чақиришнинг ҳождати йўқ. Истасангиз хоразмча, истасангиз туркча ва таъбга кўра, инглиз тилидаги қўшиқларни ҳам маромига етказиб қуйлаб беради.

Вилоятларда Тошкентдагидан фарқли ўлароқ, "бирров"чилар деярли учрамайди:

Бошқа ҳудудларда хонандалар, асосан, навбатчи сифатида таклиф этилиши кўпчиликка аён. Бу борада:

1. Биринчи ўринни хонанда **Фарҳод Саидов** эгаллаб турибди. Маълумотларга қараганда, бу йил унинг октябр ойи охирига қадар деярли ҳар кун навбатчилик хизматлари бор экан.

уларни Самарқанддан изланг.

Келин салом ва чарларда:

1. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Саида Раметова** бу борада сўзсиз биринчи ўринни эгаллаб турибди.

2. Иккинчи ўринга даъвогарлик қилаётган икки актрисамизнинг ҳам мавсумда деярли ҳар кун тўй хизматлари бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар **Раъно Ярашева** ва **Муқаддас Холиқовани** мухлислар бир ўринда кўришаркан.

3. Вилоятлардаги тўй хизматларида энг фаол актрисалар рўйхатини **Зухра Солиева** бошлаб берса-да, мавсумда Тошкентдаги тўйларда ҳам унинг иши анча қизийди. **Тўйларда бошловчилик борасида:**

1. Бир неча йилдан буён **Рихситилла Абдуллаев** ва **Нигора Каримбоева** жуфтлиги биринчиликни эгаллаб келмоқда.

Ойбек ва Нигора, "Нихол" мукофоти совриндорлари:

- Ҳар бир хонанда йил давомида қилган меҳнатининг самарасини кўришни, яъни клиплари ва реклама учун сарфлаган маблағ ўрнини мавсумда қоплаб олишни ўйлайди. Чунки тирикчилик манбаимиз шундан, бунини яширишнинг ҳождати йўқ, менимча.

Алишер Рўзметов, хонанда:

- Ошиғи, мен мавсум қачон бошланиб, қачон тугашини унчалик яхши билмайман. Асосан, Рамазон ойида дам оламан, холос. Лекин тўй экан деб пулнинг ортидан қувадиган хонанда эмасман. Одамлар ният қилиб айтишгач, кўлимдан келганича хизмат қиламан. Дарвоқе, кун кеча ҳисоблаб кўрсам, 5 мингга яқин қўшиқ билар эканман. Балки шунинг учун тўй хизмаларига мени кўпроқ таклиф этишар.

Дунёдаги энг йирик онлайн-дўкон Amazon мулкдори Америкадаги энг машхур нашрлардан бири, 80 йил давомида Грэмлар хонадонига тегишли бўлган The Washington Post газетасини 250 миллион долларга сотиб олди.

"Газета индустриясидаги барча маълум муаммолар бизни газетага кўпроқ фойда келтирадиган мулкдор ҳақида ўйлашга мажбур қилди", деди The Washington Post бош директори.

The Washington Post газетаси сотилди



Грэм хонадони The Washington Post холдинг таркибига кирадиган бир қатор тузилмаларни ўзларида сақлаб қолади.

"Уотергейт иши"ни ёритиш билан машхур нашрга айланган The Washington Post АҚШдаги энг катта таъсирга эга нашрлардан бири сифатида қаралади. Аммо сўнгги йилларда нашр зарарга кириб бормоқда, боз устига газетани оммалаштириш бўйича кўрилган саъй-ҳаракатлар ҳам кўзланган натижани бермади.

The Washington Post нашри ёшлар орасида унчалик машхур бўлмагани учун йилдан-йилга ўз тиражини йўқота бошлади.

Audited Media компаниясига кўра, The Washington Post АҚШдаги энг машхур газеталар орасида еттинчи ўринда туради. Унинг адади 475 мингтани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,5 фоизга камдир.


Амазон раҳбари Жеффи Безос The Washington Post сайтида чоп этган очик хатида у таҳририят сиёсатига аралашмаслигини қайд этиб, айти пайтда газета "қадриятлари"ни ўзгартирмаслигини айтган.

Шунга қарамай Безос The Washington Postда яқин келажакда жиддий ўзгаришлар бўлишини айтиб ўтди. Бу ўзгаришлар интернет талаблари ва имкониятларидан келиб чиқиб, амалга оширилишини маълум қилди.

Шуни айтиш керакки, The Washington Post шу кунлардаги иккинчи бундай келишув ҳисобланади. Ўтган ҳафта The New York Times компанияси Boston Globe газетасини Boston Red Sox бейсбол жамоаси эгаси, миллиардер Жон Генрига 70 миллион долларга сотганлигини маълум қилган эди. The New York Times мазкур нашр учун 1993 йилда 1,1 миллиард доллар сарфлаган эди.

Бугун ўзбек адабиётида кечаётган жараёнлар ҳар бир ўқувчига қизиқ. Яратилаётган асар, унинг мазмун-моҳияти, "ўлик" адабий танқид - барчаси бугунги ижод аҳлининг бош мавзуга айланган. Таниқли адабиётшунос, ижодкор Абдунаби Абдиевнинг мақоласида ҳам ана шу мавзу кўтарилади. Мақола "Оила даврасида" газетасида эълон қилинган.

"Илгарилари китоб чиқариш у ёқда турсин, шеър ёки ҳикоянгиз адабий-бадиий газета-журналлар саҳифасидан ўрин олиши учун ҳам минг битта чиғирларга дуч келар, Ёзувчилар уюшмаси махсус кенгашидан ўтсагина катта саҳнага йўл оларди", дейди ёзувчи.



Абдунаби АБДИЕВ:

«Бугун ўтирса роман, турса қисса, юрса ҳикоя ёзиб қўядиган адиблар пайдо бўляпти»

Унга кўра, ҳозир эса, китоб нашр этиш ҳам ўзига хос бизнесга айланди. Ёмғирдан сўнгги кўзиқоринлардек, сони кўпайган ноширу нашриётлар хизматингизга ҳозир нозир. Фақат чўнтагингизда ақчангиз ёки саховатли ҳомийингиз бўлса, бас. Шапалоқдек, ёстикдек китобларингизни бир кечада (қизишиб, биров ўтрик дедимми, дейман-ов) жимжимадор қилиб қўлингизга тутқизишади. Уни ким харид этиши эса ўз муаммоингиз. Қулоғингизни яқинроқ келтирсангиз, тагин бир сирни очаман: йирикроқ ўқув даргоҳида сўз ўтар танишингиз бўлса, қўйилган нархга учтўрт сўм қўшиб, ўтказиб беради.

Балки ёш ҳаваскорнинг китобини чиқариш, ҳомийлик қилиш унга ижодий рағбат беради, аммо адабий жамоатчиликка анча танилиб қолган ижод аҳли ўртасида ҳам китоб чиқариш мусобақаси авж олаётганига нима дейсиз?

Ижодкор бугунги назмга ҳам баҳор беради экан, буюк Навоидан мерос шеър ва шеърятнинг илохий кучи бор: қадрига етгани улуғлаб, нописандни назардан қолдиради, дейди. "Гапнинг очиги, кейинги вақтда ҳамма шоирликка даъвогар. Фонограммада хирилдоқ овозига сайқал берилиб, икки-уч қўшигини айлантираётган эстрада "юлдуз"часи ҳам матни бемалол ўзи ёзаяпти", дейди у.

Ўз фикрини давом эттирар экан, тумтарақай мисралар, фикрсиз матн учун шоир де-

ган ном - ҳайф! Тагин шоирчиликнинг "қўшиқчи шоир" деган кўриниши ҳам дунёга келди. "Қизиқ, Алишер Навоий ҳазратлари мумтоз адабиётимизнинг гултожиги айланган ғазалларини қайси қўшиқчининг буюртмасига биноан ёзган экан? Эркин Воҳидов "Инсон ўзинг"ни, Абдулла Орипов "Биринчи муҳаббатим"ни, Омон Матчон "Умр ўтар"ни қўшиқ бўлади, деб ижод қилганимиди? Яхши шеър ўз-ўзидан мусиқага тушиб кетавермайдимми? Ўзи бугун матнга мусиқа басталаяптими ёки мусиқага матн ёзилаптими?", деб савол беради мунаққид.

"- Ҳафтлик кўнгилоҷар газеталардан бирига қиссаларимни жўнатган эдим, таҳририятдан "асарларингиз ниҳоятда жиддий экан, уларни газетхонларимиз ҳазм этолмайди", деган жавоб олдим, - дейди фиғони фалакка чиқиб, бир қаламкаш дўстим", деб ёзади муаллиф.

Қизиқ, руҳий драматизмга бой асарларни ўзбек китобхони қачондан буён ҳазм этолмай қолди? Ёки бундай газеталарнинг вазифаси одамларга фақат олди-қочдилардан иборат, кишини фикрлашга ундамайдиган саёз нарсаларни тақдим этишдангина иборатми?

Китобхондан маълум даражадаги руҳий тайёргарликни талаб этадиган, фалсафий мушоҳадаларга бой асар муаллифнинг машаққатли меҳнати, ботиний эмранишлари эвазига дунёга келади. Бундай ёзувчи ижодида сермахсуллик кўзга кам ташланади. Бугун

эса, унинг фикрича, ўтирса роман, турса қисса, юрса ҳикоя ёзиб қўядиган адиблар пайдо бўляпти.

Муаллиф шунга яраша уларнинг битикларидан бадиият бир четда қолиб, жўн жумлалар, саёз сюжетлар кўпроқ ўрин олаётганини айтади. "Аслида, туриш-турмуши салбий қусурлардан таркиб топган қаҳрамонни китобхонга ижобий образ ўрнида тикиштиришдан мақсад не? Фарбда "енгил мутолаа" деб номланган детектив асарлардан кўчиб ўтган воқеалар силсиласида ўзбекчилигимизда бири-биридан сир тутиладиган маиший саҳналар очикдан-очик баён этилаётганига нима дейиш мумкин?", дейди у.

Абдунаби Абдиев бугун ўзбек адабиётида пастга шўнғиб кетаяпти, дейишдан йироқлигини айтади. "Муҳаммад Али, Асад Дилмурод, Наби Жалололдиннинг тарихий романлари, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Исожон Султоннинг инсон руҳий оламини кашф этиш йўлидаги экспромтлари, Нормурод Норқобилнинг табиат манзаралари, Эркин Аъзам, Шойим Бўтаев, Абдуқоюм Йўлдош, Луқмон Бўрихон, Кўчқор Норқобилнинг миллийликка йўғрилган қисса ва ҳикоялари - санайверсам, яхши асарларимиз кўп. Адабиётимиз байроқдорлари сафига иқтидорли ёшлар ҳам келиб қўшиляпти", деб умид билан ёзади.

Эркин АЪЗАМ:

**"Ўрнимизни калла қолиб,
бошқа аъзолари билан фикр
қилмоққа ишқибоз шоу-
бизнесчиларга бериб қўймайлик"**

"Кечаги замоннинг қавми хийла содда, кўнгилчанроқ эди, назаримда. Лекин ҳам руҳан, ҳам амалий жиҳатдан бирмунча танбалмижоз эди-ёв?! Фаоллашувига на рағбат, на имконият бор эди-да. Ишласангиз-ишласангиз ўша маош, кесиб қўйилган, ортиги-га изн йўқ", деб жавоб беради таниқли адабиётшунос олим, ёзувчи Эркин Аъзам журналист Жасур Кенгбоевнинг ўтган асрнинг 80-90-йилларидаги одам билан бугуннинг кишиси ўртасида қандай тафовутларни кўрасиз, деган саволига. Суҳбат "Оила даврасида" газетасида эълонқилинди.

"Бугунгилар эса бир қадар нақдпараст (прагматик) бўлиб қолгандек. Нимани айтманг, дарров бармоқ букиб фойда-зарарини ҳисоблашга тушади. Алланечук безовтами-ей, жонсараками-ей, ўзини ҳар ёққа урган...", дейди ёзувчи.

Эркин Аъзам ўз фикрини давом эттириб, шундай дейди: Хўш, қайси бири маъқул бунинг? Дангал хулоса қилмоққа шошмай турайлик. Негаки, салбий-ижобий дегандек томонлари бор-да. Аммо шуниси аниқки, барибир эркинлик яхши, эркин танлов муҳити пеш. Ҳам шахсий, ҳам ижтимоий тараққиётга йўл очади.

Унинг фикрича, биз энди йигирманчи асрнинг эмас, янги юзйилликнинг, ҳатто, янги мингйилликнинг одамларимиз. Рақамларнинг одатдаги ўрин алмашинуви деб қарамаслик керак бунга. Жаҳон миқёсидаги гоҳ улкан, гоҳо дафъатан кўзга ташланмайдиган ўзгаришлар бугунги инсоннинг руҳиятига таъсир ўтказиши табиий.

Эркин Аъзам давримизнинг долзарб масалалари бир талайлигини айтади. "Ана шулардан бири, менинг назаримда, энг биринчиси - ҳали айтганимиз бесаранжомликда, замон долғаларида ўзини, ўзлигини, инсоний шаънини бой бериб қўймаслик муҳим. Қолгани - бўладиган гаплар".


У бу борада зиёлиларнинг ўрни масаласига ҳам алоҳида тўхталади. "Ўзимизга ҳам боғлиқ. Бойлигу, шон-шухрат илинжидагина юрган, гоҳо калла қолиб, бошқа аъзолари билан фикр қилмоққа ишқибоз шоу-бизнесчиларга бериб қўймайлик-да ўрнимизни. Аччиқроқ туюлса ҳам бор гап шу", дейди.

Uzbek TV New York va Tomosha Teatri
 O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 22 yilligiga bag'ishlangan
Bayram konserti
 Konsert tashkilotchisi: Ilkhomjon Kenjabayev
August 30, 2013. at: 7:00 pm

Malika Hakimjon, Zamira Salim, Sidiq Sanaev, Karomat Otajonova, Jahongir Mirzo, Hilola Ibragimova, O'zbekiston Gullari, Nilufar Salimova, John Conteh, Anvar Bekmatov, Ozodbek Ibragimov, Dilshod Zokirov, Dilshod Rajabzoda

Tel: 718-600-6518, 347-645-5700 (Brooklyn)
 718-807-5402 (Misha-Brooklyn)
 347-472-2029 (Naima-Queens)

Restaurant "NATIONAL"
 273 Brighton Beach Ave, Brooklyn NY 11225



**3 нафар америкалик лотереяда
448 миллион доллар ютиб олди**

Америкадаги Powerball лотереяси ташкилотчилари 448 миллион долларлик жекпот голибларини эълон қилди. Унга кўра, жекпотдаги рақам уч нафар америкалик лотереясидан чиққан. Бу ҳақда The Huffington Post хабар тарқатди.

Multi-State Lottery Association етакчи менежери Сью Дулейга кўра, бахтли рақам эгаларидан бири Миннесотада, икки нафари Нью-Жерсида ушбу билетни харид қилган.

Унинг айтишича, ҳозирча бахтли рақам эгалари кимлиги ва қаерда эканлиги номаълум. Чоршанба куни ўйналган жекпотда 05, 25, 30, 58, 59 ва Powerball 32 рақами чиққан. Жекпотнинг умумий суммаси 448 миллион долларини ташкил этади.

Охириги пайтда Америкада лотерея тартибларининг ўзгариши жекпотлар миқдорини кескин оширди. Масалан, бир ой ичида ана шундай йирик учта жекпотлар ўйналди. Флоридада ўйналган жекпотнинг миқдори 590 миллион долларга етган эди.


Маълумки, кундалик турмушимизда турли фойдали юмушларни, ишларни таклиф қиладиганлар кўп учрайди. Улар орасида билиб-билмай фирибгарлар қармоғига илиниб қолган танишларимиз ҳақида эшитганмиз, кимдир дуч келгандир ҳам.

Фирибгардан сақланиш йўллари

Better Business Bureau (BBB) ходимларига йилига минглаб фирибгарлик режаларини ўрганиб чиқади. Ўтган йилдан бошлаб BBB маъмурияти америкаликлар қаллобларга чув тушмаслиги учун иккита сайтни ишга туширишди. FINRA Investor Education Foundation билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган BBB Smart Investing (www.bbb.org/smartinvesting) сайти ўз мижозларини фирибгарлик усуллари, молиявий эҳромлар ҳамда шубҳали молиявий

қўйилмалар ҳақида хабардор қилиб боради.

Иккинчиси - BBB Scam Stopper (www.bbb.org/scamstopper) сайти бўлиб, унда қаллобларга қарши курашишнинг усуллари ҳақида маълумотлар жой олган. RusRek сайтнинг ёзишича, америкаликларнинг мурожаатлари асосида федерал, штат агентлари, қолаверса, BBB ходимлари жиноятчилар томонидан кўп қўлланиладиган фирибгарлик йўллари аниқлашди. Хўш, улар қандай усуллар:



"Автомобиль рекламаси"

Фирибгарлар интернетда "Харакатланиш пайтида пул ишлаб топ" ("Get Paid Just for Driving Around") қабилидаги рекламаларни жойлаштиради. Фараз ниятдаги кишилар автомобиль эгаларига билан суҳбатда ўзларини кўзга кўринган компания вакили сифатида таништириб, унинг машинасидан реклама мақсадларида фойдаланишни сўрашади. Эвазига улар машина эгасига ҳафтасига 400 доллар ваъда қилади. "Биз сизга чек жўнатамиз, уни банк депозитига қўйиш керак. Маблағнинг бир қисмини машинангиз дизайни билан шуғулланадиган дизайнер ҳисобига ўтказиш керак", деб таклиф қилади. Ҳафта ўтади, юборилган чекнинг пул таъминоти йўқлиги аён бўлади. "дизайнер" эса аллақачон ўз изини йўқотиб бўлган бўлади. Банк эса маблағни ўтказган бўлади, таъминотсиз чек учун, албатта, машина эгаси жавоб беришга мажбур. Internet Complaint Center (www.ic3.gov) маълумотларига кўра, ўтган йили айнан мана шу усул фирибгарлар томонидан кўп ишлатилган.

булган бўлади. Банк эса маблағни ўтказган бўлади, таъминотсиз чек учун, албатта, машина эгаси жавоб беришга мажбур. Internet Complaint Center (www.ic3.gov) маълумотларига кўра, ўтган йили айнан мана шу усул фирибгарлар томонидан кўп ишлатилган.

Grandparents Scam ("Чолларни алдаш")

Бу усул жуда оддий бўлиб, фирибгар чол ёки кампирга телефон қилиб, ўзларини набираси сифатида таништиради ҳамда полиция томонидан ҳибсга олинганини айтишади.

"Ҳибсдан озод этилиши учун гаров пули тўлаш зарур" лигини айтиб, телефонни сохта полиция вакилига тутқазади. "Полиция вакили" эса тегишли суммани ўтказиш учун ҳисоб-рақам беради.

"Сохта харидор" (Mystery Shopper/Mystery shopping)

Сохта харидор - бозорни ўрганиш, хизмат сифатини текшириш учун қўлланиладиган тадқиқот усули. Ахборот йиғиш учун махсус тайёрланган одамлар (сохта харидор) танланади. Улар потенциал мижозлар номидан текширишни амалга ошириб, унинг натижасини маълум қилади. Бу усул тадқиқотни ўтказган манбага қўшимча даромад келтиради, аммо фирибгарларга ҳам айни муддаодир. Фараз ниятдаги кишилар босма ва электрон ОАВда реклама жойлаштиради. Рекламада одамларга вақтинчалик ҳақ тўланадиган ёки вақтинча ҳақ тўланадиган ва истиқболда компанияда тўлиқ ишлаш қафолати ҳақида ахборот берилади. Бунинг учун дастлабки

тўловни тўлаш сўралади. Ваҳоланки, сохта харидор бўлиш учун дастлабки тўлов шарт эмас. Фирибгарлар бу йўналишда, шунингдек, "Ав-

нингиздан кейин сиздан видеони кўриш Media Playerни янгилаш тавсия қилинади. Афсуски, бу сиз кутган нарса бўлиб чиқмайди, балки вирус ёки зарарли дастурий таъминот бўлиб чиқади. Натижада фирибгар компьютердаги маълумотларингизни қўлга киритади.

Сохта хайрия ташкилотлари

Охирги пайтларда турли хайрия фондлари орқали фирибгарлик қилиш тобора оммалашиб бормоқда. Масалан, ўтган йили Sandy тўфони тугаб улгурмасдан "Сэнди", "Ёрдам" сўзлари бўлган 1000дан ортиқ янги сайтлар ташкил этилди. Уларнинг аксарияти фирибгарлар томонидан ташкил этилган. Фирибгарларнинг мақсади хайрияга пул ўтказмоқчи бўлганларнинг кредит карталари маълумотларини қўлга киритиш ҳисобланган. Шунинг учун экспертлар хайрия ёрдами кўрсатаётган пайтда уларнинг қонуний эканлигига ишонч ҳосил қилишни сўрайди. Бунинг учун қуйидаги ташкилот маълумотларидан фойдаланишни тавсия қилинади:

BBB Wise Giving Alliance. Йилига уч марта махсус маълумотлар базасини нашр қилади - Wise Giving Guide.

Уни jlewis@council.bbb.org электрон почтасига хат юбориш орқали олиш мумкин.

Ёки одатдаги почта орқали:

Wise Giving Guide
3033 Wilson Blvd, Suite 600
Arlington, VA 22201
BBC Give.org - <http://www.bbb.org/us/charity/Charity Navigator> - <http://www.charitynavigator.org/Charity Watch> - <http://www.charitywatch.org/GuideStar> - <http://www.guidestar.org/>

Етти юлдузли меҳмонхоналар: тилла суви югуртирилган iPadдан вертолётгача

Яқинда Бирлашган Араб Амирлигидаги амалдаги сулола аъзоси шайх Манна ал-Мақтум ўзининг Дубайдаги етти юлдузли меҳмонхона-қароргоҳидаги номерларни ижарага қўйди. 14 қаватли бинонинг ҳар бир қаватидан номер буюртма қилиш мумкин. Шунинг билан шайхнинг мазкур эҳромсифат қароргоҳи етти юлдузли меҳмонхона мақомига эга.

Хўш, етти юлдузли меҳмонхона қандай ўзига хос жиҳатларга эга?

Raffles Dubai номини

олган мазкур меҳмонхонада шайхнинг ҳар бир меҳмони алоҳида лифтидан фойдаланади. Лифт лоббидан бошланиб, тўғри номердан чиқади. Бундан ташқари, ушбу номер эгаларига алоҳида швейцар, ошпаз, ҳайдовчи ҳамда парикмахер бириктирилган бўлади. Унда бир сутка туриш ўртача 25 минг долларга айланади.

Айтишларича, шайх кўп қаватли биноларни унча хушламас экан. Умуман, шарқшуносларнинг фикрича, Форс кўрфази аҳолиси алоҳида уйларда, яъни

якка тартибдаги турар-жойда - виллаларда туришни афзал кўришади. Бу, уларнинг фикрича, арабларнинг ерга яқин яшаши, бадавийлик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Raffles Dubainинг эксклюзив жиҳати, унинг тилла суви югуртирилган iPadларидир. У ҳар бир меҳмонга тақдим этилади. Шунинг билан керакки, бундай "нодир" буюмни ана шундай юқори мартабага эга меҳмонхоналар ўйлаб топишга ҳаракат қилишади. Масалан, Emirates Palaceда меҳ-

монларга олтин ёмбирларини харид қилиш таклиф қилинади. Бундай қимматбаҳо металллар одатдаги автоматларда сотилади. Автомат "Gold To Go", яъни сохта қилиб айтганда, "мозорбости" совғалар ҳисобланади.

Мазкур автомат яратувчиси Томас Гейслернинг айтишича, олтин харид қилинаётган пайтдаги сўнги халқаро нарх асосида сотилади. Уни бошқа воситалар орқали ҳам текшириб кўриш мумкин. Бу олтиннинг ҳаддан ташқари қимматлиги ёки



бошқа шубҳаларга барҳам беради. Ҳар бир олтин ёмбиси 24 қаратни ташкил қилиб, Германия ёки Швейцарияда ишлаб чиқарилган.

Айтишларича, бутун дунёда 6 та етти юлдузли меҳмонхона бор. Улардан учтаси Бирлашган Араб Амирлигида, биттаси - Миланда, қолгани Покис-

тон ва Хитойда жойлашган. Миландаги меҳмонхона ўз меҳмонларига Bentley тақдим этади.

Сўнги маълумотларга кўра, етти юлдузли меҳмонхоналарнинг навбатдаси Испанияда пайдо бўлиши кутилмоқда. Ушбу меҳмонхона ўз меҳмонларига шахсий вертолётлар тақдим этади.

"Ўзбекистон Республикасининг салкам бундан чорак аср бурун аввал қабул қилинган "Ўзбек тили тўғрисида"ги Қонуни ("Давлат тили тўғрисида"ги Қонун - "Ватандош") орқали фамилия, исм ота исмдаги гализликларни бартараф этишга кенг йўл очилган эди", деб ёзади "Хуррият" газетаси мухбири Матёкуб Нарзиев. Аммо муаллифга кўра, исм-фамилияси гализ ёзиш ҳолатлари кўп учрамоқда, энг ёмони ушбу исм-фамилия эгалари унинг исм-фамилиясини тўғрилаб ёзса, эътироз билдиришади.

Тахтоходжаев ва Иркаходжаевлар қачон фамилиясини тузатишади?

"Бу воқеага ўн йилдан ошган бўлса-да, ҳамон тинчлик бермайди. Бу ҳақда матбуотда кўплаб фикрлар билдирилган. Аммо бутунлай ҳал бўлгани йўқ. Ўшанда касб тақозосига кўра бир инсонни телесуҳбатга чорлагандик. Ўзини Тахтоходжаев деб таништирган бу "суҳбатдош"га: "Фамилиянгизни "Тахтоходжаев" эмас, "Тўхтаҳўжаев" дея тўғрилаб ёзамиз. Чунки миллионлаб юртдошларимиз телевизор қаршида тўғри сўзни эшитишлари керак. Тагин сизга "метирка" ёзган қолиб, бизни саводсизга чиқариб қўйишмасин", дейишим биланоқ тутоқиб кетди: "Паспортида нима деб ёзилган бўлса, ўшандай ёзасиз, гап тамом-вассалом", деб ёдга олади журналист.

"Ўшандан бери қанчадан-қанча "Сагдиев, "Саберходжаев", "Камалов", "Сулейманов", "Бакиев" деб ёзилган хужжатларни кўрдик. Афсуски, бу каби нотўғри расмиёлаштирилган фамилиялар юртимизнинг барча минтақаларида учрайди", деб ачинади журналист.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 69-моддасига кўра, ота-онанинг келишувига асосан болага исм қўйилади. Фуқаронинг исми, фамилияси ва отасининг исми ёзилаётганда хатога йўл қўйилган бўлса (масалан, Сатарджанов, Гапаров, Якубджан сингари), фуқаролар ўзлари яшаётган жойдаги ФХДЭ органига мурожаат этишлари лозим.

Адлия вазирлиги ўрнатган тартибга кўра, агар далолатнома ёзувида исм қисқартирилиб, эркалаш шаклида ёзилган, имло хатога йўл қўйилган бўлса ёки фуқаро далолатнома ёзувидаги исмини тузатишни истаса, фуқаронинг ёшидан қатъи назар, ФХДЭ бўлимида унинг аризасига асосан ўша куннинг ўзидаёқ далолатнома ёзувида тегишли тузатиш киритиш амалга оширилади. Масалан, тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидаги исм "Моҳчеҳра" бўлса, "Моҳичеҳра", "Батир" деб ёзилган бўлса, "Ботир" деб тузатилади.

Журналист исмида хато кетган фуқаролар ФХДЭнинг тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёзидиган ходимларининг лоқайдлиги боис нотўғри ёзилган фамилия, исм ёки ота исмининг грамматик жиҳатдан тўғриланишига ҳафсала қилишлари лозим, холос, деб таъкидлайди.

"Ўзини, фарзандлари ва неваралари шаънини, шу орқали миллатининг обрўсини ўйлаган одамлар учун бу иш ҳам савобли, ҳам масъулиятли", деб хулоса қилади у.

IMMIGRATION

LAW OFFICES of Marina Shepelsky, P.C.

961-74

Attorneys at Law

Member of NY and NJ Bar

2306 Coney Island Avenue, 2 Floor, Brooklyn, NY 11223

Tel.: (718) 717-8821 Fax: (718) 769-2391

E-mail: marina@shepelskylaw.com

АДВОКАТ

МАРИНА ШЕПЕЛЬСКАЯ

ОСУЩЕСТВИТЕ СВОЮ МЕЧТУ ЛЕГАЛИЗОВАТЬСЯ В АМЕРИКЕ С ПОМОЩЬЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО АДВОКАТА, КОТОРОМУ ВАША СУДЬБА НЕБЕЗРАЗЛИЧНА

Law offices of Marina Shepelsky, P.C. предоставляет следующие услуги:

- ЗАЩИТА ОТ ДЕПОРТАЦИИ
- ИММИГРАЦИОННЫЙ СУД/ ИММИГРАЦИОННЫЕ АРЕСТЫ И ТЮРЬМЫ
- СОПРОВОЖДЕНИЕ НА ИММИГРАЦИОННЫЕ ИНТЕРВЬЮ
- ПОДГОТОВКА К ИММИГРАЦИОННЫМ ИНТЕРВЬЮ
- ОФОРМЛЕНИЕ ГРИНКАРТЫ/ ГРАЖДАНСТВА
- БИЗНЕС ВИЗЫ
- ВИЗЫ ИНВЕТОРОВ
- ГРИНКАРТЫ ДЛЯ ЖЕРТВ СУПРУЖЕСКОЙ ЖЕСТОКОСТИ
- ВИЗЫ ЖЕНИХА/ НЕВЕСТЫ

Консультации по вечерам и в выходные дни по предварительной записи

ПЕРВАЯ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЕСПЛАТНО!

Милиция ходими ўз айбини бошқага ўтказмоқчи бўлди

Қарши шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими Ҳамдам Комилов иштирокида йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Оқибатда маҳаллий академик лицей ўқитувчиси Абдиназар Тулаганов ҳалок бўлди. Бу ҳақда "Истеъмомчи" газетасига таяниб,

12uz.com сайти хабар тарқатди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Ҳамдам Комилов муқаддам судланган Юлдаш Мойлиев билан келишиб, айбни ўз бўйнига олишга кўндирди.

Суд иши жараёнида милиция ходими тергов идоралари вакиллари алда-

гани аён бўлади. Натижада жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди Ҳамдам Комиловни 7 йилга озодлик маҳрум этади. Шу билан бирга, суд ҳалок бўлган Тулагановнинг турмуш ўртоғига 15,3 миллион сўм (Марказий банк курси бўйича 7,2 минг доллар) моддий ва маънавий жарима тўлаш ҳақида ҳукм чиқарди. Ёлгон гувоҳлик бергани учун Юлдаш Мойлиевни 2,5 йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилди.



SILK ROAD EXPRESS

Авиатransпорти. Отправка посылок, бандеролей, среднегабаритных грузов
Мы предлагаем отправку бандеролей, посылок Вашим друзьям и близким
Пересылка посылок с помощью Silk Road Express
своим родственникам и друзьям в Узбекистан это правильный выбор!

theSilkRoadExpress.com
silkroad.express@yahoo.com

office: 718.676.0011
cell: 347.722.3850
cell: 347.922.3139
2294a East 14th Street,
BROOKLYN, NY 11229



Office address:
Gulobod Street, dom 54 kv 50,
Tashkent, Uzbekistan 100059
Phone: 998 90 390 7071
Cell: 998 94 661 6007

BRAMSON ORT
COLLEGE www.BramsonORT.edu

QUEENS CAMPUS
69-30 Austin Street, Forest Hills
877-404-5373
Zoya Yakubova ext. 178

BROOKLYN CAMPUS
8109 Bay Parkway, Brooklyn
877-472-1097
Tatyana Golovko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN (MAC & PC)
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

**GET YOUR
DEGREE!**

**LOW
TUITION!**

**REGISTER
TODAY**

**EDUCATION is
The SECRET to
SUCCESS!
Invest in YOUR
FUTURE!**

**OPEN HOUSE
EVERY
WEDNESDAY**

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ
- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on www.BramsonORT.edu